



**ХОЛИЁР
ЭШИМОВ**


**УМР
МАНЗАРАЛАРИ**

Холиёр Эшимов



УМР МАНЗАРАЛАРИ

2020/4-23 *8era*



Қарши

"Қашқадарё кўзгуси ОАВ" нашриёти
2016 йил

УЎК 821.512.133-32

КБК 84(5Ў)7

Э 99

Эшимов Холиёр

Умр манзаралари (Матн) /Х.Эшимов - Қарши:
«Қашқадарё кўзгуси ОАВ» нашриёти, 2016 й.- 60 бет.


КБК 84(5Ў)7

MAJBURIY NUSXA

ISBN 978-9943-4245-9-3

Бир қарашда инсон ҳаёти оддийгина туюлади. Аммо чуқурроқ эътибор берилса, ана шу оддийлик замирида бир қатор мураккаб жараёнлар ўзига хос маъно-мазмунга эга бўлган воқеа-ҳодисалар мавжудлигини илғаш мумкин. Қўлингизга олган ушбу китобда ана шундай турли хил воқеалар баён этилган. Муаллиф уларни оддий, содда тилда ўқувчи ҳукмига ҳавола этишга уринган. Баён этилаётган битиклар замирида муаллифнинг ҳаёт ҳақидаги, турмушнинг турфа хил аниқ ва ноаниқ сўқмоқлари тўғрисидаги қарашлари ҳам маълум даражада ўз аксини топган.

Ўйлаймизки, ушбу китоб зукко ўқувчининг эътиборига сазовор бўлади.



ISBN 978-9943-4245-9-3

© Эшимов Холиёр, 2016 й.

© "Қашқадарё кўзгуси ОАВ" нашриёти, 2016 й.



УЙҒОҚ ҚАЛБ

Уйғоқ қалб эзгуликлар даъватчисидир. Қалби уйғоқ ижодкор Холиёр Эшимовнинг "Умр манзаралари" деб номланган ушбу рисоласини варақлаган киши энг аввало, қалам соҳибининг ёшени инобатта олмоғи лозим. 81 ёш! Бу ёшда қўлга қалам олиб, ижод столига ўтириш анчайин ҳафсала, зўр иштиёқ, яратувчилик ишқи, ижодга меҳр ва чанқоқликни талаб қилади. Бу ёшда ҳафсаласи пир бўлиб, ҳаммасидан қўл силтаб, этак силкиганлар озми? Холиёр Эшимов ҳаётга, ижодга чанқоқ инсонки, шу ёшда ушбу рисола битибди. Ёшлигиданоқ матбуот воситалари билан ошно тутуниш унинг қалбига уйғоқликни жо қилди. Ўзи таъкидлаганидек, матбуот унинг чин дўстига ҳақиқий фикрдошига, маслақдошига айланди. Эзгу нияти яхшилик, ўқиш, ўрганиш ва ёзишдан иборат бўлган қаламкаш матбуот воситаларида фаол чиқишлар қилиш асносида бадий адабиётнинг сир-асрорларини ўрганди, билим савиясини оширди, ҳаётий тажриба тўплади. Холиёр Эшимов кўзида нур, белида қувват бор экан, матбуотсиз, ижодсиз, ёзмасдан яшай олмайди. "Умр манзаралари" ана шу шижоат маҳсули сифатида қогозда жилоланди.

"Умр манзаралари"га қаламкашнинг ўн тўрт ҳикоя ва қатрлар жамланган. Ҳикояларга айтарли даражада бадий безак берилмаган. Уларда фақат ҳаётийлик устун. Деярли ҳаммаси кундалик ҳаётдан олиб ёзилган. Ҳаётий воқеалар тўқилмасдан, сайқалланмасдан ўз ҳолича айнан қогозга кўчирилган. Шу нуқтаи назардан қараганда уларни ҳаётий лавҳалар, деб атаса ҳам бўлаверади. "Ёғоч отли полвон", "Зумрад холанинг инояти", "Онам хотирасига" каби лавҳаларда соддадил, бироз тўпори, оқкўнгил қишлоқ одамларининг турмуш тарзи, ҳаёти, урф-одатлари ишонarli тасвирланган. Қаламкаш ўз битикларида баёнчиликка сал



кўпроқ ўрин бериб юборганки, бу ҳол лавҳаларнинг "гижимланишига" сабаб бўлган. Ихчамлик, бадийлик, персонажларнинг ўз ҳаракатлари, портретлари, сўзлашув диалоглари, аниқ-тиниқлик асар беазаги бўлиши табиий. "-Санъаткор ўз асарида Худодек ҳаракат қилиши - ҳеч қаерда кўринмаслиги, бирон масала юзасидан лом-мим демаслиги керак. Ахир, биров Худони кўрганми, унинг овозини эшитганми?! Шунга қарамай, биз Худонинг мавжудлигига ҳар қадамда иймон келтириб турамыз," -деган эди Флобер. Ижодкор ҳикоя ёзадими, лавҳа ёки очеркми, ҳаммасида доимо шу ақидага амал қилмоғи лозим.Айтиш керакки, Холиёр Эшимов тарихий воқеаларга муносабат билдириб, тарихий лавҳалар битишда ҳам анчайин билимдонлигини, тарихни яхши билишини, ҳаётий тажрибаси етарли даражада мукамаллигини намоён эта олган. "Сиз Довуд пайгамбарни биласизми?", "Қабрим қаерда?" лар бундан далолат.Мен бошида, рисолани варақлаган киши энг аввало, қалам соҳибининг ёшини инобатга олмоғи лозим, деб таъкидлагандим. Уйлайманки, 81 ёшида шунчалик битиклар битишга эришган Холиёр Эшимовнинг ҳаётий лавҳаларидаги жуъзий камчиликлар ўқувчи томонидан авф этилади. Ҳар ҳолда "Умр манзаралари"да Чироқчи нафаси уфуриб турганининг ўзи бахт!

Нормамат ТОҒА,
ҳажвчи ва детектив ёзувчи, Грецияда фаолият юрита-
диган Халқаро "Антик дунё" ("ANTIQUÉ WORLD")
илмий академиянинг профессори, фан доктори.

УСТА ВА МУЛЛА

Дам қишлоғидаги шинамгина, дид билан безатилган сартарошхона ҳар куни ишлаб туради. Сартарош ҳали ёш, бироз одамови, аммо муомаласи самимий, покиза, чаққон, савдолашмайди. Қишлоқ аҳлининг кўпчилик қисми, ҳаттоки тумандан ҳам баъзилар шу ерга келишади. Сартарошхона эрталабдан ёшу қарилар билан гавжум. Ёзнинг иссиқ кунисида ҳаллослаб, терга ботиб имом кириб келди. Унинг ҳурмати учун ўтирганлар салом-алик қилишди. Қишлоқда имомлик қилувчи бу одам муламмисан муллада. Соқол кетмондай, савлат жойида, бўй салкам икки метр, бошдаги саллани айтмайсизми, гўёки кичик дошқозон. Мулланинг ҳаракатидан шошилаётганини сезганлар унга навбат беришди.

- Раҳмат сизларга, бугун 5-6 жойга хатми-қуръон айтиб қўйган эдим, - дея ўриндиққа базўр жойлашди. Соч-соқол қиртишланди, атир сепилди. Мулла "Хуш, бизга нима хизмат", - дегандай устага тикилди. Уста ҳам иккиланмай қисқа гапирди:

- Сизники ярим нарх.
- Ярмига бало борми, бир дуода болам.

Навбатда турганлардан бир кекса киши сўз қотди:

- Мулла бобо, сиз 5-6 жойда хатми қуръон бор, деяпсиз. Улар сизни рози қилмаса, савоби қандай бўлади? Муллага бу гап ёқмади, гезариб жавоб берди.

- Унда дуо ижобат бўлмайди-да. Хизмат қилган рози бўлмоғи даркор.

- Ҳалиги нуроний мийигида кулимсиради.
- Хизмат қилган рози бўлмоғи даркор, денг.

Мулла мулзам бўлиб чўнтагидан етарлича пул чиқариб столча четига қўйди. Навбатда ўтирганлардан бири ўзича гапирди.

- Баъзи мулалар олишни билдилар, беришни билмайдилар.

ЁҒОЧ ОТЛИ ПОЛВОН

Кенг ягринли, қорачадан келган, қувватда тенги йўқ, бир ўтиришда 2-3 кило қўй гўштини паққос туширадиган Манзар полвон айна тирамада сарғайма шифохонасига тушиб қолди. Унга



шифокорлар аввало парҳез буюришиб, роса бир ой даволадилар. Овқатдан анча очиққан полвон шифокорнинг "Полвон, бутун сизга жавоб берамиз", - деган гапидан хурсанд бўлиб сўради:

- Духтир энди парҳез йўг-а.

Полвоннинг гапини ҳазилга йўйган духтир "Ҳа, оз-моз мумкин", - деб полвоннинг раъйини қайтармади. Узида йўқ полвон уйга, болалари олдига шошилди. Оила аъзолари даврасида шифохонадаги воқеаларни сўзлаш полвоннинг бош мавзуси эди. Сухбат бошида ҳам, охирида ҳам овқат, айниқса гўшт масаласи.

Оиласи Манзура опа "Дадаси, нуқул овқат, гўшт, дейсиз. Озгина сабр қилсангиз, аввалги қадди-қоматингизга келасиз", - деб юпатишга ҳаракат қилди.

- Эй кампир, шифохонада оч қолганим майлику-я, унинг игнаси, дориси, уколини айтмайсанми? Ярим гавдам, қувватим қолмади. Ҳадемай тўй-томоша, кўпқари бошланади. Мен шу аҳволдаман, деб четда турсам, шерикларим нима дейди? Ҳа полвон, аралашмаяпсиз дейишса, мазам йўқ дейманми? Йўқ дейишга тилим бормайди. Яхшиси катта ўглинг Отабекни чақир, қўзилар баргихазон еб семирган. Қўзи гўшти ҳеч нарса қилмайди, зарарсиз. Одамни дармонга келтириб, куч-қувват беради. Ана у кўк жингалак жунли ширбозни сўйсин. Бир тўйиб еяй.

Қўзи сўйилиб, унинг ярим танасидан икки хил овқат пиширилди. Бу овқатларни бўкканича еб, ана роҳати жон, деб қорнини қашиб ётган Манзар полвоннинг ярим кундан сўнг мазаси қочди. Аҳволи оғирлашиб, уч кун ичида ёғоч отда у дунёга равона бўлди. Жанозага келган дўстлари нафс балоси дейишса, мулла бу Оллоҳнинг иши, деб фотиҳага қўл очди.

ЎТМИШДАН ҲИКОЯ

Қорақия тоғлари орасида тугилган Ҳайитбой ўгли Жумабой бечораҳол, оддийроқ яшаса-да, анчагина шоиртабиат инсон. Халқ оғзаки ижоди намуналарини, термаларни, бир қайнови ичидаги гапларни, сўзни сўзга улашни яхши билганидан сухбатдошини лол қолдиради.

Ҳозирги вақтда Чироқчи туманининг "Бешчашма" хўжалигига

қарашли Жумабойнинг қишлоғи бог-роғларга бурканган гўзал оромгоҳ. Қишлоқда, тумандаги қўшни қишлоқларда Жумабойнинг номи тилга олинса, устами ёки шоирми, деб сўрашади. Шоиртабиат Жумабой моҳир дурадгор ҳам. Унинг эпчиллиги харидорларни ўзига ром қилади. Кексайганида эрмак тарзида супурги боғлаш устаси ҳам бўлди. Устадан супурги харид қилган харидорлар раҳмат сўзини 2-3 марта такрорлайди.

Аслида уста Жумабой ўзбек қавмининг Қонжигали уругига мансуб бўлиб, у яшаган қишлоқдан полвонлар ва ҳаттоки ўғрилар ҳам кўп чиққан. Бир ривоятда айтилишига кўра, Қорақияда Жовлибой исми полвон бўлган. Жовлибой ўта кучли полвон, қайсар ўғри бўлган. Халқни бир томондан қўлласа, бир томондан азоблаган. Халқ Жовлибойнинг қилмишидан норози бўлиб қозига арз қилади. Қози Жовлибойни халқ орасида сўроқ қилганда, Жовлибой бир сўзли бўлгани учунми, қозига қараб айтилганларнинг ҳаммасини тўғри, деб тан олади.

Қози Жовлибойни тоғлар орасидаги чакалакзорга сургун қилишга қарор қилади. У ерда ёввойи чўчқалар кўп, энди бу полвон уларга емиш бўлади, деб халқни тинчитади. Орадан 4-5 кун ўтиб полвоннинг яқинларидан 3-4 киши унинг ҳолидан хабар олишга боришади. Не кўз билан кўришсинки, Жовлибой бир ёввойи чўчқани икки қулоғидан ушлаганча миниб юрганмиш. Қариндошлари Жовлибойни қишлоққа олиб келиб, халқдан узр сўратади ва қишлоқ қурувчиси деб қолдиришади. Шундан кейин бу қишлоқдаги авлодлар Жовлибой авлодлари деб аталибди.

Жовлибойнинг издоши Тула полвон чиқибди. Тулабой ҳақиқий полвон экан. У Қашқадарё, Самарқанд вилоятларидаги катта-катта курашли тўйларда қатнашиб, халқ олқишига сазовор бўлади. Самарқанд вилоятининг Пастдаргом туманидаги катта тўйда Айиқ полвонни йиқитганида, унинг шуҳрати жуда ошади. Шу эдан чиққан уста Жумабой полвонларга атаб термалар айтади. Жумладан, Идрис, Эшмурод, Ҳайит полвонлар шаънини кўкларга кўтариб, энди полвон номини олаётган Худойберди амин ўғли Болта полвонни ҳам термаларига кўшиб, кўнглини олади.

Болта полвон қора меҳнат эгаси. Лекин орқадор. У курашга



чиқса ҳамма жим. Ҳа, Болта чиққач, ўйин кўрғазади. Уйнаб боришини кўрган томошабинлар ҳаяжонланадилар. Ҳозир елкага олади. Елкага ололмаса, судраб чил беради, шунда унга шовқин керак. Шовқин бўлса, Болтанинг авжи келади. Хуллас, ялангоч бўлса ҳам Салимни йиқита олади. Суҳбатда уста Жумабойдан таълим олади. Уста Жумабой серфарзанд инсон. Катта ўғли техника бўйича муҳандис. Қодирбой деса, вилоятда таниқли. Кичиги Каримбой ҳам техника таъмирида туманда таниқли. Неваралари ҳам ҳунарманд. Хуллас, уста Жумабой ҳаётдан мамнун.

ЗУМРАД ХОЛАНИНГ ИНОЯТИ

Бердимурод ота-онасидан ёш қолди. Қорин тўйгазиш, юпун бўлса-да, кийиниш учун ёшлик ва ўсмирлик даврларини кимларнинг эшигида ўтказмади дейсиз. Қаргиш-сўкишларга, баъзан аччиқ калтакларга, иссиқ-совуққа, қор бўронларга бардош бериб, худодан соғлик, куч-қувват тилаб ёши йигирмага етди. Ақли-ҳушини таниб, куч-қувватга тўлишаётган Бердимурод кунлардан бир куни собиқ хўжайини Хўжа Акбар аканинг хотини Зумрад холага дуч келиб қолди. Ҳол-аҳвол сўрашаётган Зумрад хола Бердимуродни зимдан кузатиб, унинг навқирон йигит бўлиб қолганига эътибор қаратди. Ичида унга омонлик тилаб, ёмон кўздан асрашини Аллоҳдан сўради.

- Бердимуроджон, ҳозир қаерда яшаяпсиз, агар малол келмаса, сизга бир маслаҳатим бор, - деб Бердимуроднинг юзига тикилди Зумрад хола. Холанинг бу гапидан ўзини ноқулай сезган йигит унинг юзига тик қараёлмай, ер чизиб, юзида қизариш пайдо бўлди.

- Хола, сизларнинг тузингизни кўп едим, ёмонлик кўрмадим. Хўжа Акбар ака ҳам, сиз ҳам менга ота-онадек меҳрибонларсиз, биламан. Яхшиликларингизни ҳеч унутмайман, онажон, - деб юборди Бердимурод энтикиб. Онажон сўзини эшитган Зумрад хола тўлқинланди.

- Фикримиз сизнинг бошингизни иккита қилиш, - деди меҳр билан.

- Мен бир етим, сиз онамдек одамсиз, очигини айтсам оила қуриш учун уй-жойим, имкониятим ночорроқ, - деди хижолат билан

ичида суюнган бўлсада Бердимурод, - халқ олдида шарманда бўлишим мумкин, онажон. Ҳозирча жамоада чўпонман, аммо шароитим етарли эмас.

Бердимуроднинг сўзларини эшитган Зумрад хола уни тинчлантиришга уринди.

- Хўжа Акбар акангиз билан гаплашаман, имкон қадар сизга ёрдам беришга ҳаракат қиламиз. Бизга қилган яхшиликларингизни қайтариш вақти келди, эртага яна учрашамиз, - деб хайрлашди.

Хўжа Акбар ака Зумрад холанинг фикрини маъқуллади.

- Бу савоб иш. Бердимуродга вақтинча икки хонали уй олишига ёрдам бериб, тўйни ўз ҳисобимиздан ўтказиб берамиз. У яхши йигит, йўл-йўриқ кўрсатсак, ўзини ўзи уддалайди, келажаги бор.

- Тўғри айтасиз, қўшни маҳалладаги Абдукарим аканинг қизи Зулайҳо Бердимуродга мос, - Зумрад хола фикрини айтди. Ана шу келишув асосида Хўжа Акбар ака ва Зумрад хола бошчилигида Бердимурод 26 ёшида Абдукарим аканинг қизи Зулайҳо билан тақдирини боғлади. Йигирма бир ёшга тўлган Зулайҳо ҳам йўқдан бор қиладиган, рўзгорнинг бориға барака қўшадиган қиз бўлгани учун тез кунда улар чиройли ва кўпчилик ҳавас қиладиган оилага айланди. Бердимуроднинг қаршилигига қарамай, Хўжа Акбар аканинг, қарз эмас булар тўёна деб берган иккита қўйи ва Зумрад холанинг иккита товуғи етти хазинанинг бири бўлганиданми, йилига ҳар бири қўшшасига кўпайди. Ҳар келганида Зумрад хола "Худо хайрларингни берсин, бахтларинг порласин, доимо эл ҳурматида бўлиб юринглар, менинг тўрт фарзандим энди олти нафар бўлди, ҳаммасига сиҳат-саломатлик, бахт ато этсин", - деб дуога қўл очиб, уларга хайр-барака тиларди. Дуодан руҳланган Бердимурод бир гал ёш келин Зулайҳога қараб тўлқинланиб деди:

- Демак, энди бизлар мустақил оила, эркин қўшмиз, ақлимиз билан ҳар томонга уча оламиз. Бироқ, бизларга Лочину Бургутнинг кучли қанотидек қанот керак, бундай қанотни, ақду доноликни Аллоҳдан сўрайлик.

- Холамнинг дуолари ижобат бўладигандай, насиб бўлса Аллоҳ қанот бериш арафасида, - дея уялибгина юкли бўлганини билдирди



ёш келин.

- Агар бу гапинг рост бўлса, келаси йил қиз бўлса ҳам, ўгил бўлса ҳам элга катта ош бераман, - деди Бердимурод. Тўйда бизларнинг гамхўримиз бўлган икки томон ота-оналаримизга бош-оёқ сарпо ёпамиз.

- Айтганингиз келсин дадаси, жуда яхши, маъқул. Бизлар элга кўринайлик, қўшилалик, - яхши ниятни қувватлади Зулайҳо.

Тугилган ўғлонни Озодбек, деб аташди. Тўй ёзнинг пишиқчилик кунига белгиланди. Бу ҳолатни кўрган-билган қариндошлар яқинлаша бошлашди. Дўст-ўртоқлар кўпая бошлади. Тўй олдидан ота-боболарга худойи қилинди. Шунда Хўжа Акбар акага қараб Бердимурод "Ота, тўйга барчани чорланг, четдан ким келса келсин, очиқ дастурхонга таклиф этамиз. Утиришимиз базмга айлансин. Тайёргарлигим етарли", - деб илтимос қилди. Ёзнинг пишиқчилик кунини, кўёш тафти баланд, гармсел шамол бўлиб қолмайдими, деган хавф ҳам йўқ эмас. Тўй бошланди. Қишлоқ йигитлари хизматда. Кайвонилар жам, жой тахт. Иссиқ пасайди, осмонда бир парча булут кўёш юзини қоплаган. Соя жойнинг кераги йўқ. Худди баҳор об-ҳавоси. Тўй очилиш маросимида биринчи бўлиб қишлоқнинг маърифатли зиёлиларидан бири, ўнлаб шоғирдлар етиштирган билимдон инсон Фармонқул ака тўй соҳиблари шаънига барча яхши тилаклар айтиш билан янги оилага қут-барака беришни Оллоҳдан сўради ҳамда халқ фаровонлиги, бирлиги, тинч-тотувлиги меҳнатда эканлиги ҳақида гапириб ўтди ва ўтганлар ҳақида фотиҳа ўқишни сўраб сўзни қишлоқ имоми Абдуҳакимбойга берди. Абдуҳакимбой бир қимирлаб, ўтиришини ростлаб, салласининг печини тўғрилаб, Қуръони Каримдан бир неча оят ўқиб, барча ўтганлар, пайгамбарлару уламолар ҳақида бағишлади. Катта дошқозондаги ош, эллик беш кило гўшт қилган олапойча қўчқорнинг гўшти барчадан ортиб ётибди. Тўйнинг ҳақиқий базмга айланганини кўрган қишлоқ оқсоқоли Фармонқул ака ўртага чиқди.

- Қадрли қишлоқдошлар, - деди у томоқ қириб, - тўй янги фарзанд Озодбекники, Бердимуроднинг ўн йил олдинги аҳволини ҳозирги кунга таққосласак, ер билан осмонча фарқ бор.

Бердимурод қишлоқнинг олдинги ўринларига чиқди. Меҳнати, одоб-ахлоқидан барака топган ўғлимиз Бердимурод ва қизимиз Зулойҳо учун йигитларни курашга чорлайман. Салими менинг танимдан, иккинчидан жамоа номидан қарор қиламизки, Самарқанд қишлоқ хўжалик институти ректори номига Бердимуродни институтнинг зооветеринария бўлимида сиртдан бўлсада, ўқитиб, илми бўлишини сўраймиз. Бу гапни барча маъқуллади. Кураш бошланди ва қизиди. Салимлар сони кўпайди. Курашчилар салим учун эмас, ор-номус учун кураш ола бошладилар.

Эл орасида Зумрад хола, Хўжа Акбар ака ва Зулайҳонинг ота-онаси, оқсоқол Фармонқул акаларга бош-оёқ сарполар берилиб, элга тинчлик-омонлик тиланди. Тўйнинг гўзал ва чиройли ҳамда ўзлари кутганидан ҳам зўр ўтганидан хурсанд бўлган уй эгалари аччиқ чой устида ширин суҳбат қурдилар.

- Менинг элик ёшимда, сенинг 45 ёшингда яна катта тўй қиламиз Зулайҳо, - деди Бердимурод яхши ният билан.

ТУШДАГИ МУҲАББАТ

Тонг ёришган. Баҳор фасли бўлгани учун тонг эртачи ёруғлашиб, қуёш оламга сахий нурларини ҳаё этганда, баҳри дилингизга қанчалик қувонч-шодлик бахшида этади. Қишлоқ шароитида кенгиш ҳовли, соф ҳаво киши дилига ҳузур бағишлайди. Айниқса, кўча томон девори берк, атроф очиқ бўлиши янада ҳузурли. Чарчаганда соя-салқинда ўтириб чой ичиш, ҳамсоя-ҳақни кўриб суҳбатлашиш меҳр калити, дейдилар қариялар. Ҳовлидаги ўн туп мевали дарахт ва тўрт туп узум сояси қуёшнинг заррин нурини бекитиб, одамга ором беради. Дерсиз, ҳовли ўрами ва девор билан бекитилиши яхши. Ҳа, ҳовли ўралади. Замонавий ёрдамчи хоналар қурилади. Ҳали биз ёш оиламиз, вақти-соати келиб, маблағимиз тарозисига қараб, кўнгидагидек қиламиз. Минг афсуски, умр йўлдошим Моҳира автоҳалокат туфайли мени, ўғлим Арслонбек, қизим Дилсўзни кимларга ташлаб кетди, билмайман. Ҳа, у аёлмисан-аёл эди. Дили пок, чиройда Кумуш, меҳнатда забардаст, жамиятнинг олов қизи эди. Шундай дилбардан ажраган



мен бахтиқаро ҳозирги кунда болаларим учун ҳам ота, ҳам онаман. Оилам Моҳира билан ўтказган 25 йиллик умрим гўёки туш бўлди. Бирор дақиқа болаларнинг кўнгли ўксимасин, деб бор эътиборимни шуларга бераман. Таълим-тарбия менинг жону дилим. Чунки етим ўсганман. Базўр коллежнинг транпорт бўлимини тамомлаб, техника таъмирлаб кун кечирдим. Тонг уйқуси ширин экан. Бу тонг ширинликка ширинлик қўшди. Тушагимнинг ўнг томонида, ўнг қўлини бошига тираб, бир маҳалла қўшнимиз Гулзода турибди. У шундай очилиб кетганки, лўппи юзи, сунбул сочи чиройига-чирой қўшиб, 32 ёшини 25 ёшга айлантирган. Юзининг бирор жойида бирортаям ажин, тириш йўқ. Лекин бефарзанд. Менга қўлини чўзган Гулзода "Гулом ака, уч кундан сўнг бизникига боринг, малол келмаса болалар ҳам борсин", - деганида уйғониб кетдим. Бу тушим экан. Бу туш сабаб, қалбимни ҳам ҳар хил ўйлар тимдалай бошлади. Гулзода кўз ўнгимда. Уч куннинг ўтиши оғир бўлаяпти. Ишда ҳам, кўчаю уйда ҳам фикри-хаёлим эртанги кун ҳақида. Хуллас, йигитлик гурури билан кеч пешинда Гулзоданинг уйига кириб бордим.

Мени қарши олган Гулзода "Она, Гуломжон ака келдилар", - дейиши билан онаси "Гуломжон келинг", - деб ичкарига бошлади. Салом-алиқдан сўнг атрофни кузатдим. Ҳовли тоза, шинам, ҳар бир нарса жойида. Кўлида чиройли чойнак кўтариб Гулзода салом-алик билан ийманганча кириб келди. Гулзодага тик қарай олмай, зимдан кузатдим. Тушдаги Гулзода эмас, янада очилиб, кўнгли пок, феъли кенг эканлиги икки оғиз суҳбатидан маълум бўлгандай туюлди. Онаси Насиба опа аҳвол сўрашиш билан болалар тинчлигини қайта-қайта суриштирди. Барига иложи борича ижобий жавоб бердим.

- Гуломжон, бу ҳаёт экан. Жойи жаннатдан бўлгур Моҳира қисқа умр кўрди, унинг ёшини болаларига берсин, сизга сабр-қаноат ато этсин, - дея бир хўрсиниб дуога қўл очди. - Мана, Гулзоданинг бошида ҳам бор экан. Йигитали яхши инсон эди. Ақли расо, кенг феъл эди. Уч йил турмуш қурса-да, фарзанди бўлмади. Қурилишдаги ҳалокат туфайли ҳалок бўлди...

Кетишга тарадудланганимда, опа келиб туришимни тайинлаб

қўярда- қўймай болаларга деб бир тугунча берди. Хайрлашишда Гулзода ҳам келиб туришимни, болаларни эртага юборишимни сўраб, хайрлашди. Уйгача қандай келганимни билмайман. Қўлимдаги тугунчани кўрган қизим "Дада бу нима, қаердан олдингиз?" - деб эркаланди. Бор ҳақиқатни айтдим. Хурсанд бўлган қизим "Ака, бизлар ҳам борамиз", - деганча қувониб акаси томонга югурди. Шундай қилиб, борди-келди авжланди. Болалар ҳам Гулзодани мақташдан тўхтамайди. Кунлар ўтиб, тақдир тақозоси билан ёзнинг тўлини ойида тўйимиз бўлди. Орадан тўрт йил ўтиб Гулзода изма-из икки ўғил кўрди. Бола меҳрига зор Гулзода энди 4 фарзанднинг онаси. Гулзода учун болаларнинг ҳаммаси бирдай. Кунлар иноқликда ўта бошлади. У ишлади, мен ишладим, ҳовлини тўлиқ таъмирладик, енгил машина ҳам олдик.

Ордан йиллар ўтди. Катта ўғлим Нодиржоннинг Тошкентдаги тиббиёт олийгоҳига ўқишга кирганлиги муносабати билан кичкина бўлсада, бизлар учун катта ҳисобланган тўй-томоша билан эл олдидан ўтдик.

ҚўНҒИЗНИНГ ҚИСМАТИ

(Ҳажвия)

- Саратоннинг иссиғи кундан-кун авжида. Саратон иссиқ келдими, ҳосил мўл бўлади, айниқса, унинг пишиб етилишини айтмайсизми, мулла Сувонқул, - дея Рўзиқул овқатни ўртага олди. Ариқ ёқасидаги тол сояси офтобдан пана. Дарахт бошида салгина шамол бор бўлсада, гўза майдонидан чиққан иссиқ ҳил одамни бўғиб оладигандай.

- Гўзага иссиқ ёқади. Бугланишига қаранг, гўзамиз авжида. Бу йил деҳқон учун барака ва омад йили, десак бўлади. Радио кунлик об-ҳавони 40-41 даража демайдими, хоҳ 45-50 даража бўлсин, сизу бизга кор қилмайди. Чунки биз деҳқонмиз, уст-бошимиз шунга мослашган. Бир терлаймиз ва салқинлаймиз, Рўзиқул ака, - Сувонқул суҳбатга қўшилди. - Ака, катталар келишмайди, улар чиқай деса машина ичи ҳаммом, биласиз бозор иқтисодиёти, керак бўлса тадбиркор ишласинда, деб салқин жойу тўй-томошада юргандирда. Яна мажлисда тикка қилиб қўйишни



уддалайди, уларни ўйламайлик, сиз билан бизнинг ишимиз ҳар гектар ердан 50-55 центнердан пахта олиш.

Вақт пешиндан огиб, соат тўртлар бўлди, энди иссиқ тафти пасаяди, деб кутиб туришганда, суҳбатга яна сабаб топилди. Сувонкулнинг кўзи чумолиларга тушди. Қатор чумолилар карвони, бирида хашак, яна бирида нималардир, ҳеч бири бўш эмас, ҳаттоки ўзидан 3-4 барабар катталиқдаги дон-дун, барглари судраб кетишмоқда.

- Ана қаранг, яшаш учун кураш, ҳаракату меҳнатни, - деди у беихтиёр.

Бир вақт орқа томонини дўнграйтиб, орқа оёқлари билан боланинг муштидек келадиган думалоқ нарсани юмалатиб келаётган қўнғиз чумолилар карвонининг сафини бузди. Қўнғизнинг кўриниши тим қорадек, лекин жигар рангда, шохли, сип-силлиқ, семиз-ялтироқ. Сафи бузилган чумолилар олдинга - орқага юрсада, ўлжаларини ташлагиси келмади. Қўнғиз эса думалогини чумолилар устидан юритгани-юритган. Шу пайт илгари товуқ жўжасига ўч бўладиган, қийғир қуш юқоридан пастлаб келиб оёғи билан бир тепиб, қўнғиз ва думалогини ажратиб юборди. Бу ҳолатни кўрган чумолилар ҳам бўш келишмай қўнғизга ҳужум бошлашди. Ўлжасидан ажраган қўнғиз оёғини судраб қоча бошлаганди, аламзада чумолилар галаси уни емишга айлантирди. Деҳқонлар суҳбати жониворлар ҳаракатини таҳлил қилмоққа бурилди.

Ана сиру савдо, ана худонинг каромати, ана зўравоннинг аҳволи! Кўп вақт ўтмай бечора қўнғиз чумолию қумурсқаларга емиш бўлди. Рўзиқул ака ва Сувонбойлар тушлиги ҳам тугади. Қилмиш - қидирмиш деганларидек, нафс балоси қўнғизнинг қисматини белгилади.

СИЗ ДОВУД ПАЙҒАМБАРНИ БИЛАСИЗМИ?

Ўрта Осиёда Ислом динининг намоёндалари - Ал-Бухорий, Гиждувоний, Ат-Термизий, Аҳмад Яссавий, Хўжа Аҳрор Вали, Газзолий каби юзлаб фикҳшунослар, муҳаддислар, олиму файласуфлар яшаб ўтган.

Биз темирчилар пайгамбари деб сигинувчи Ҳазрати Довуд аслида тарихий шахс. Яҳудий ва христиан диний адабиётларида Довуд номи билан маълум бўлган ҳамда исломга Довуд номи билан кирган. Тарихий маълумотларга кўра, Довуд милоддан аввалги 2-асрда ўша даврдаги майда яҳудий мамлакатларини бирлаштириб, ягона яҳудий давлатини тузган подшо. Довуд ва унинг ўғли Сулаймон ҳақидаги ривоятлар диний ва дунёвий адабиётларга "Библия" орқали ўтган. "Қуръони Карим" ва Ислом таълимотида Довуд Худодан илоҳий китоб нозил бўлган пайгамбарлардан бири, деб таърифланади. Аслида Довуд пайгамбарга нозил бўлган китоб Библиянинг "Қадимий аҳд" қисмига кирган диний дуолар тўпламидир. Ҳар бир дуо эҳтиром, эътиқод ва ихлос билан сугорилган. Ҳар қандай инсон мушкулоти, яъни беморларга шифо, сафардагиларга йўл равонлиги, улус инсонларга бўлган эҳтиром эътиқод ва ихлосимиздан деб биламиз.

Ҳозирги кунда қадимдаги асосий транспорт воситалари бўлган эшак, от, туя ва аравалар ўрнини техника тараққиёти сабаб, ҳар хил турдаги машиналар эгаллади. Ҳазрати Довуд деганда, Самарқанд вилоятининг Нуробод туманига қарашли Оқсой қишлоғи яқинидаги тоғ кўз олдимизга келади. Чунки у жойда ҳазрати Довуд қабри ва гори жойлашган.

Ривоятларда айтилишича, Довуд Исроил давлатида пайгамбар ва подшоҳ бўлиши билан бирга, ислом динини ҳам қабул қилган. Шу сабабдан Довуд Исроил давлатидан қувгин қилинган ва Самарқанд шаҳрига келиб қолган, деган ривоятлар ҳам бор. Самарқанд шаҳрида темирчилик ҳунарини кўрсатган Довуд баъзи бир адолатсиз шахслар тазйиқида шаҳардан узоқроқда, Оқсой қишлоғи яқинидаги тоғда горда макон тутиб, истиқомат қилади. Оқсой қишлоғининг об-ҳавоси тоза, баҳаво жой. Ҳозирги кунда асосан темирчилик йўналишидаги барча касб соҳибларининг, ҳайдовчиларнинг ва умуман кўпчилик одамларнинг зиёратгоҳига айланган Довуд қабри ва горига чиқиш учун асосан 3 та йўл мавжуд.

Биринчи йўл тик қоя орқали ўша ердаги мачитгача 756 та зина орқали чиқилади. Бу йўл хавфли, чунки зиналар тик ва



ушлагичлар йўқ.

Иккинчи йўл 1303 та зина орқали мачитга борилиб, яна 220 та зина билан кўтарилиб, горга чиқилади. Бу йўлнинг ҳар 5-10 метрида ўтиригичлар, стол-стул, кичикроқ дўконлар каби шароитлар бор. Агар дўконларни санасангиз, улар тахминан 60 дан ошиқроқ бўлиб, деярли ҳаммасида эсдалик совгалар, китоблар сотилади. Учинчи йўлда от ва эшак хизматда. Бу йўл айлана йўл. Хуллас, ихлосмандга куч-қувват илоҳиётдан келаётгандек. Зиёратчилар ҳордиқ олишлари учун иккинчи йўл бўйлаб тушакли ва беақли 50-60 та супа – чорпоялар мавжуд. Енгилроқ тамадди қилиш, чой ичиш учун етарли шароит бор. Бироқ спиртли ичимлик ва халқимиз урф-одатларига мос бўлмаган ҳолда ҳаддан ташқари очиқ-сочиқ кийиниш таъқиқланган.

Юртбошимиз Ислом Каримовнинг мустақиллик шарофати билан тарихий ўтмишимиз, ўлмас қадриятларимизни қайтадан тиклаш борасидаги буюк хизматлари туфайли халқимиз ана шундай улуг қадамжоларни зиёрат қилиш бахтига муяссар бўлди.


Араббанди ажойиб, гулгун диёр,
Нафосати дил олур беихтиёр.
Халқи эрур мардона, жайдари, асл,
Сарой бовли авлод мозийдир.
Унда бордир истеҳком этувчи,
Ун бир даҳа элин-алф ўғлонлар.
Қўнғирот, қонжигали, қирқаёқ,
Полвонларию чавондозлари барчаси.
Ҳамаси бирдай иноқ-дўст,
Меҳмонга кўксини очган диёр.
Майдонидир қир-адир, чорвазор,
Чашмасидан бир сой сув келур.
Элу халқи қониб тотгай таъмин,
Сал у жарлик қилур чўммоқ уруғи.
Кайвониси, ҳам бою оқсоқоли бўлмиш,
Холбекбой, Бозорбой ва Туймабойлари.
Бир отанинг авлодлари бўлмиш,

Эли, Аҳмад, яхшидан урчиган.
 Ҳар соҳада чаққону абжилдир,
 Ор - номус деб элни бовурлаган.
 Шундайин эл бор Араббандида,
 Капалакнинг гул эмганида.
 Эслайман сени Араббандим,
 Адирларингдаги қизгалдоғу.
 Бойчечак лолаларинг усганда,
Жушиб эслайман Араббандим.
 Қора кунларда тахтайу тариқ,
 Арпа, бўғдой гурганларинг.
 Ҳамон ёдимда сабр-тоқат ила,
 Деб овутган кайвониларингни.
 Аллоҳдан тила ва меҳнат қил,
 Деб ризқ тилаганларингни.
 Эслайман, бош эгаман Араббандим,
 Чўмоққа нону туз бериб ардоқлаган,
 Араббанди қишлогим мард баҳодрлари.

ОНАМ ХОТИРАСИГА

Икки ўғлини қаро ерга берган Дурсулув опа кўзи ёриб, тўртинчи фарзандини қўлига олди. Буниси ҳам ўғил. Аламзада, бағри қон бўлган, қалби яраланган Дурсулув опа чақалогини еру кўкка ишонмайди. Ўғли аксига олиб йиглоқи. Дурсулувнинг онаси Ойкумуш момо қишлоқ аёлларига доялик қилиб, уйда туғдириб оларди. Ҳа, 1944 йил тирамаси, 2 - жаҳон уруши охирлаган пайтлар туғруқхона қаерда дейсиз? Барча оила аъзолари бир қапа, ёки бир хонали уй, чайлада яшарди.

Дурсулув опа боласининг чинқириб йиглаганидан ўзини қўярга жой топа олмай, мададкорим знам, деб Ойкумуш момони олдидан кетказмасди. Момо чақалоқни эмлаб, уёқ-буёгини пахта билан силаб қўярди. Ихлосми, бола бироз тинчирди. Лекин Дурсулув опанинг чақалоғи озгина тинчиб, бироздан сўнг яна йиглашни бошларди. Ойкумуш момо бешинчи кун куёви Эшим Хушвақтовни





чақириб, айтди:

- Эшимжон, бориб Жалолхон эшонбобо ва мулла Мамат имомни олиб келинг. Чақалоққа исм қўяйлик. Балким бунинг йиғлаши от қўймаганимиздандир. Ахир туғилганига 5 кун бўлди-я.

Ойкумуш момо сўзини эшитган Эшим малла эшагини миндию йўлга тушди. Эшон бобо ва мулла Маматнинг уйи узоқ эмасди. Иккаласи икки қирда бўлсаям, бир-бирига яқин, кўришиб турарди. Кўп вақт ўтмай оқ ёлли отини миниб Жалолхон эшон ва қора ҳангини минган мулла Мамат кириб келишди.

- Ойкумуш, ўзингиз шу ерда экансиз. Невара қутлуг бўлсин, илоҳим Оллоҳим умри билан бергани рост бўлсин. Итолмасбой эл аро обрўли, доно, паҳлавон йигит бўлсин, - дуога қўл очди Жалолхон эшон.

- Эшон бобо, исми ҳам қўйилди шекилли, - деди Ойкумуш момо.

- Ҳа, Дурсулувнинг аҳволини тушунамиз. Майли, боланинг оти Итолмас бўлақолсин. Дуога қўл очганимизда, Оллоҳ кўнглимга солди, Итолмас деган исм тилга келди. Энди полвонни иссиқ сақданглар, иложи борича сандалда кўп ётқизмай, шамоллатиб, уст-бошини тез-тез алмаштириб туринглар. Аллоҳнинг инояти билан ҳали бу зўр тадбиркор полвон, эда обрўли инсон бўлиб етишади.

- Айтганларингиз келсин, - дея Ойкумуш момо Дурсулув ичкаридан олиб чиққан иккита алача тўнни боболар елкасига ташлади. - Насиб этса катта тўйида бош-оёқ сарпо киясизлар.

Қайта-қайта дуо қилишган Жалолхон эшон билан мулла Мамат кийимларининг астаридан оз-оздан латта-савоқлар олиб беришди. Бу латталарнинг нимагалигини аниқ билолмаган Дурсулув боболарга ҳайрон бўлганча қаради. Боболар бунинг исириқ эканлигини, ўзлари кетишгандан кейин тутатишини, инс-жинсларни қайтаришини айтиб, хайрлашдилар. Эна- бола уларнинг изларидан бироз миннатдор қарашгач, Итолмаснинг ёнига боришди. Итолмас пишиллаб ухларди. Жалолхон эшон ҳам, мулла Мамат ҳам пиру бадавлат инсонлар эди. У пайтларда совет даври бўлгани учун эшонни эшон деса, муллани мулла деса олиб кетарди. Чунки улар диндор, жамиятта ёт деган одамийликка мос

бўлмаган тушунча ҳукмрон эди. Шу сабаб, эшонни уста, муллани оқсоқол, кайвони деб аташарди халқда. Эшон бобо оти анча йўрга экан, унга етишиб юраман деган мулла бобонинг ҳангиси қичалаб йўргаларди.

Эшон бобо муллага қараб "Мулла, Эшим ва Дурсулув бир-бирига мос тушганда, илоҳим омадларини берсин", – деди. Мулла ҳам, Эшим ҳам Сафар оқсоқолнинг қўлида мирзабоши бўлишган, эли биладиган, эл учун қайишадиган эди улар. Эшим ҳозир ҳам бригадир бўлиб, элу юртни очарчилик балосидан сақлаб келмоқда. Дурсулувни айтсак, у ҳам кам эмас. унинг бобоси Келдиёр Амин, отаси Юсуф, онаси Ойкумуш ва ниҳоят акаси Абдулла – ҳаммаси эл, халқ ҳурматидаги инсонлар. Шу гурунглاردан сўнг Жалолхон эшон билан мулла Мамат уй-уйларига ажралишди.

Тираманинг салқин шабадасидан баҳра олиб боболарни кузатган Дурсулув ичкари кирди. Ойкумуш момо исирикни тутатиб Итолмаснинг юзига қараб ўтирибди. Чақалоқ ором олиб, пишиллаб ухламоқда.

– Эна, сиз чарчадингиз, бироз дам олинг, болага ўзим қарайман, – деб Дурсулув боласи ёнига келди. – Оҳ болагинам, сенинг оппоқ юзингдан ўзим айланай, – деганча унга меҳр билан тикилди. Уларнинг ҳаёти шу тариқа изга туша бошлади. Бир-бирини қувиб ойлар, йиллар ўтди.

Галла экиш авж олган кунларнинг бирида кечки овқатни егач, Эшим бригад "Онаси, мен бир қишлоқ оралаб келай, Қорақалпоқда кун совий бошлабди. У ерда совиса, ўзимизга ҳам уч-тўрт кунда етиб келади. Нима бўлса ҳам галлани экиб олайлик. Шунинг учун бир-икки мард, меҳнаткаш йигитлар билан учрашай. Итол қандай, унга яхши қараш", – деганча чиқиб кетди. Бригадир биринчи бўлиб Аваз бобо Дангалов уйига кириб борди. Ўзича "Омон ёр" қўшигини хиргойи қилиб ётган Аваз бобо Эшимни кўриши билан: "Ҳа Эшим, кечлаб гуруннга келаяпсанми? Кел, ўзи зерикиб ашула айтаётгандим", – деб уни яхши қабул қилди.

Бригадир "Бобо, менинг ичимга бурга кирди", – деб аҳволни тўлиқ айтди. Аваз бободан хурсанд бўлган Эшим Рўзи Абдурайимов сингари меҳнаткаш йигитлардан тўрт-бешовининг



уйига кириб аҳволни айтиш билан, эртадан бошлаб икки ҳисса ишлаш, шу ҳафтада экишни тамомлаш ва жамоа томонидан қўйилган мукофотни олиш учун бор куч-гайратни ишга солишни билдириб қайтди. Уйга кирса, шўх Итолмас тетапоя юриб, кулганича отасининг багига отилди. Углини эркалаб, хотинига "Сен ҳам эртадан қизил кетмонга чиқасан, онанг иккаланг бир ҳисса бажарасизлар", - деди. Дурсулув опа албатта чиқишини, агар Аваз бобо уругни солиб берса, ҳаракат қилиб ишлашларини айтиб, бригад сўзини маъқуллади. "Умридан барака топсин Аваз бобо, уруг сепишга уста, уруг ерга бирдай тушади, қалбаки иш қилмайди", - деб иккаласи ҳам Аваз бобони мақташди. Суҳбатга қўшилган Ойкумуш момо қишлоқдаги яхши одамлардан эшон ва мулла боболар ҳақида гапира кетди. "Дурсулув, сен биласанми, йўқми, эшон бобо ҳам мулла бобо ҳам ҳазрати инсонлар. Эшон бобонинг шу даврда ҳам қозони кун бўйи қайнаб, қоринда сариеғи камаймай турибди. Унинг уйига борган киши бир қорин тўйгазиб чиқади. У киши шундай сахий киши. Мулла бобо ҳам советдан қўрқмайди. Эрталаб тонгда, кечкурун пешин намозида азон айтади. Товуши баланд бўлганидан бутун қишлоқ эшитилади. Одамлар "Мулла бобо, баланд овоз билан азон айтишдан қўрқмайсизми?" - деганларида: "Нимасидан қўрқаман, бир ёшим 85 га етган, беш ботмон лақабли хотиним бўлса, қаерга бўлса ҳам қора ханги олиб борса, совет нима қиларди?" - деб ҳазил-мутоибони бошлайди".

"Деҳқон бўлсанг куз ҳайда, куз ҳайдамасанг юз ҳайда", - деган халқ мақолига амал қилган Араббандидаги "Қизил қўшчи" колхози деҳқонлари экин ерлари чўл, қир-адир бўлгани учун галлани кетмонлаб экишарди. Эшим ака бригадир бўлгани учун ҳар куни аъзолар ишининг сифати ва меъёрини кузатиб, уйига кеч пешин келарди-да ўгли Итолмаснинг қандай ухлаганини, нима қилганини сўроқлай бошларди. "Итолмас яхши, тинч ухлади", - деган жавобдан хурсанд бўлган Эшим дастурхондаги олдига қўйилган овқатни егач, "Хўп, энди мен колхоз идорасига бориб кунлик иш бўйича маълумот берай", - деб яхши кайфият билан чиқиб кетарди. Иш қизгин кунларнинг бирида идорага борса, бош табелчи Абрай Мўминов чўт доналарини чақ-чуқ уриб, қоғозга қараганча ишлаб

ўтирибди. Салом-алиқдан сўнг Эшим бригад узатган қозғозга қараган бош табелчи "Эшим ака, сизнинг бригадангиз галла экиш бўйича олдинда", - деб уни руҳлантирмоқчи бўлди. Колхозда иккита бригада бўлганлиги учун Эшим қўшни бригаданинг қанча иш бажарганлигини суриштирди. Табелчи нариги бригадада галла экиш 70 фоиз, шудгорлаш 75 фоизлигини, Эшим бошлиқ бригадада эса шудгорлаш 90 фоиз, уруғ экиш 86 фоиз эканлигини айтди.

Ҳар кунгидан бугун иш қизгин. Бригаданинг 15 аъзоси 30 киши бўлибди. Далага қишлоқдаги қари-қартанг, ёшу кекса, хотин-қизлар жамул-жам чиқишиб, уруғ сепувчи Аваз бобо бошлиқ аъзолар ҳайу-ҳайт, деб ишга киришган. Аҳволни кўрган Эшим бригадир колхоз омборхонасига бориб бугун ҳар кунгидек 4 кило эмас, 10 кило ёрма олиб келиб, қуюқроқ овқат қилишни тайинлади. Овқатни дошқозонда 75 ёшли Омон момо пишираяпти. Шу тарзда 3 кун иш давом этди. Режа ортиги билан бажарилди. Учинчи кун кечлаб осмонни қора булут қоплаб, қибадан майин шамол эса бошлади. Кечаси билан шивалаган ёмгир тонгдан қорга айланиб роса бир кун ёғди. Ҳамма тинч, бир-бирига мақтангандай. Тушдан кейин раис ва ҳосилот келиб бригада аъзоларини меҳнат муваффақияти билан табриклаб, бригада аъзоларига биринчи ўрин учун бир қўй, иккинчи бригадага эса 20 кило бугдой ажратилганлигини, шу бугун колхоз фермаси ва омборидан олишларини айтди. Бу мукофот ўша даврда катта маблағ, колхоз раҳбарлари томонидан кўрсатилган зўр саҳийлик эди. 2 - жаҳон уруши даҳшатларидан азобланган кўпчилик одамлар тариқ, кунжара, чақир ейишмоқда эди.

Экилган галланинг устини деярли 15-20 сантиметр қор қоплаган, бу жойларда оқар сув йўқ. Сувли жойда деҳқон эккан галласини тўлиқ суғоради. Бу деҳқонларга худонинг ўзи сув берди, ҳар 3-4 кунда ёққан ёмгир ва қор сабабли экилган галла баҳор келиши билан тўлиқ кўкариб ерни ёпиб олди. Колхозчилар хурсанд. Айниқса галланинг туплаши авжида. Ана, баҳор ҳам авжида. Радио ҳар куни немис-фашистларнинг қочишини тинмай гапириб, эл-халқ кўнгида хушнудлик уйғотмоқда. Ниҳоят май ойининг 9-кунида Берлиндаги немислар қароргоҳига галаба байроғи



тикилганлигини қайта-қайта такрорлади. Эшимнинг кайфияти яхши, галланинг авжи баян, Итолмасбой сал ўжар, бироз шўх бўлсада, каттараяпти. Сал инжиқлик қилса, момоси Ойкумуш қўлига дапи(доира)ни ва қамчини олиб ҳай-ҳўлаб қўяди. Момо орқадор бўлгани учун ўтган ота-боболарини эслаб, олдида ким бўлса ҳам қулоқ-бошини тортиб (силаб), қамчи билан бир-икки савалаб қўяди. Урганиб қолган кишига момонинг қамчи зарби ёқимли туюлади ва ўзини енгил сезгандай бўлади.

Вақт ўтаяпти, об-ҳаво яхши, ерда ўт кўп. Эшим бригад аёли Дурсулунни олдига чақириб "Кампир, мен яна аввалги ишимни давом эттираман, эрта бозор куни Яккабоғдаги Чумичлидан мол олиб Самарқандга олиб бориб сотаман, бу ҳам тирикчиликни кўтаради, уйдаги бор пулни бер, эрта саҳар кетаман", - деб тарадудланди. Қуёш чиқиб бир аргамчи бўйи кўтарилганда, Эшим 60-65 чақирим йўл босиб келиб, бозорга кирди. Бозор гавжум, мол ҳам, олувчи ҳам кўп. Биттадан сигир ва ҳўкиз олган Эшим ўзича "Иккита қора гўшти тўла қўй ҳам олай, чунки Самарқанд бозориде талаб катта", - деб ўйлаб, иккита қўй ҳам сотиб олди. Энди бир чой ичайда, уйга қайтай, деб чойхонага кирди. Чойхонада эски таниши, яккабоғлик Улуғмуродни кўриб анча чақчақлашди. Дўсти Улуғмурод билан бир-бирига омонлик тилашиб ажралишди ва шу куни қоронғи тушиши билан уйга етиб келди. Даромад яхши, 5-6 ҳафта бозорлик қилса бўлади. Даладаги ишлари ҳам ёмон эмас. Галла бошоғи ҳар тупда 19-22 тадан, тўқлигидан ерга энкайиб, тўкиламан деб турибди.

Ўрим бошланиб, қизгин тус олди, ҳаттоки болали хотинлар ҳам болаларини галла боғи соясига қўйиб ишлайди. Ўрилган галла боғларини чигана, галтак араваларда махсус тайёрланган хирмонжойга элтади. Қоровул бор. Боғларни санаб жўнатадиган назоратчи бор. Хирмонжойда от, эшак ва ҳўкиз билан галла янчилади. Бир ёқдан давлат омборига етказилади. Давлат омборхонаси Яккабоғ станциясида. У ерга галлани олиб бориш учун, 2-3 одам шугулланади. Аҳоли ҳисобидан олинган 10-15 эшак билан тинмай галла ташилади. Галла мавсуми ҳар гектар ердан 25 центнердан ҳосил олиш билан яқунланди. Сомон ва галла



адолат билан тақсимланади. Бригада аъзоларининг ҳар қайсиси хизматига яраша сомон ва бугдой олиш билан йил яқунланади. Бригадир Эшимнинг кайфияти янада кўтарилиб, янги йил режасини фикрламоқда. Одилонани ишлаган ва мутахассислар маслаҳатига амал қилган бригадирнинг иши ҳар йили олга кетса кетади, орқага кетмайди.

Иккинчи жаҳон уруши тугаб, жангоҳлардаги қиргинбаротларда қатнашиб, соғ-омон қайтган аскарлар хонадонидан тўй. Икки кило бугдой топилса ҳам, атала-умоч овқат қилинса ҳам тўй. Қўни-қўшни имкони борича нон-қатиқ, кимдир гўжа ош билан билан бўлсада, аскарларни сийламоқда. Уларга қараб аскарлар кузидан еши билан миннатдорчилик билдиришмоқда. Урушдан қайтганларнинг уст-боши бир аҳволда. Ақли доно, тадбиркор раис Абдулла Юсупов баҳорда галаба байрамга атаб катта сайил уюштирди. Сайилда фронтда қатнашганларга уст-бош ва 10 килодан тегирмон уни сийлов берилди. Сайил ўйин-кулги билан шомгача давом этди. Барча хурсанд. Сайилгоҳ анжуманида оқсоқол Тилов бобо сўз олди. "Биродарлар, -деди у аллақандай ҳаяжон билан, - мен оқсоқолман, лекин Эшим менинг мирзобошим. Унинг хизматлари қишлоғимиз аҳолиси учун жуда катта. Унинг отаси камбағал бўлсада, қулоқ деган ноҳақ туҳмат билан Тожикистоннинг Ўратепа ва Қалайи нов деган жойларига кетиб қолиб, сарсон-саргардонликда бир неча йил овора бўлиб юрди. Шунга қарамаздан, у халқ учун, қишлоқ учун жон куйдириб ишлади. Қанчадан-қанча очликдан қийналган кишиларга йўл кўрсатиб, Самарқанд вилоятининг турли жойларига галла, нон олиб келишга юборди. Айниқса, қишлоғимиздан чиққан, йўлдан тойган, ўтриликка қўл урган Ирис, Ёриқул, Очил ва Абдураҳмон каби инсонларни тарбиялади, қишлоқ кўриқчиларига айлантди. Шунинг учун шу бугундан Эшимни шўроликка сайлаймиз. Эшим қишлоғимиз аҳолисини ҳар хил душмандан сақлаш ва ҳимоя қилиш билан халқимизга янада кўпроқ хизмат қилади". Шундай деб у халққа қаради. Жами йигилганлар қарсак билан Эшимни шўролиги билан табриклашди. Эшимдаги кўтаринки кайфият янада ошди. Ҳамқишлоқларига



қараб "Дўстлар, келаси йилги сайилда сизларга шу ердаги сайилгоҳда кўпқарилди ва курашли тўй-томоша қилиб бераман", - деб ваъда берди. Бу гапларни уйда Дурсулув опага айтганда, у хурсанд бўлди.

- Қутлуғ бўлсин, мен ҳам колхозда ишлайман, - деди у.
- Нима иш қиласан? - сўради Эшим.
- Мен товуқ боқаман. Чунки товуқ етти хазинанинг бири. 2-3 йилда анча кўпаяди. Тухуми болаларга ҳам, давлатга ҳам бўлади.
- Шундай дегин. Ундай бўлса, товуқ олишимиз зарур. Қанча товуқ керак?
- Менгами, йигирмата товуқ бўлса, уни бир йилда юздан ошираман.

Шўро розилик билдириб, эртаси куни йигирмата товуқ, битта хўроз олиб келди. Дурсулув иштиёқ билан жой қилишга киришди. Ем тахлади. Кексалардан товуқларни курак қилиш йўлини ахтара бошлади. Чорва бўйича дўхтир Гани ака маслаҳати билан жой тайёрлади. Товуқларни кунлик боқиш бўйича овқатланиш тартиби тузилиб, иш бошланди. Бир йил ўтар-ўтмас она товуқлар сони юздан ошди. Ўттиздан ошиқ хўроз давлатга гушт сифатида топширилди. Ҳар куни 80-85 дона тухум олинапти. Бригадир Эшим ака ҳар икки кунда юзлаб тухумни бригада аъзоларига иссиқ овқатга деб олиб кетади. Ҳар бир она товуқ бир йилда уч юздан ошиқ тухум бергани учун жўжа очиришга 30 фоизи қолдирилиб, қолгани давлат ҳисобига ўтказилиб, жамоа хўжалигига катта ёрдам бера бошлади. Хўжалик раиси Абдулла Юсупов баҳор байрамида Дурсулув опага халқ орасида 5 метр атлас ва калиш мукофоти топширди. Бундан руҳланган опа келаси йил, яъни 1947 йил охиригача товуқлар сонини икки юздан ошириш, маҳсулдорлигини 20 фоизга орттиришни зиммасига олди.

Чорва дўхтири Гани Набиев ҳам бир костюм-шим билан мукофотланди. 1947 йил кузида Чироқчи туман партия ташкилоти Абдулла Юсуповни янги ер очиш ҳамда қоқоқ колхозни кўтариш мақсадида Охунбобоев номли жамоа хўжалигига раис этиб ўтказди. Орадан кўп ўтмай ҳукуматнинг қарори билан колхозлар йириклаштирилиб, қўриқ ер очиш, пахта майдонини кенгайтириш

мақсадида аҳолини кўчириш бошланди. Шунда собиқ "Большевик" (кейинроқ "Оқ олтин" деб аталган), "Батрак", "Гулистон" хўжаликлари Охунбобоев номли хўжаликка, "Қизил қўшчи" Андреев номли колхозга, Қарғаёқ, Мирзотўп қишлоқлари Вороишлов номли хўжаликка, "Восход" "Беш чашма" хўжаликлари ўша даврдаги Сталин номли колхозга кўчирилди. Кўчириш авжида. Кимлардир Бекобод ва бошқа туманларга ҳам кўчиб кетишди...

Хўжаликдаги ўзгаришлар сабаб товуқларни колхозга топширишга келишиб олдилар. Дурсулов опа колхоз ҳосилотига 275 та товуқ ва 300 дона тухумни санаб бериб, колхозга топширди. Ҳосилот опага 15 та товуқ ва 25 дона тухум ҳамда бир халта бўғдой иш ҳақини берди...

...Итолмас мактабни битиргач, Самарқанддаги тиббиёт олийгоҳининг даволаш бўлимини тамомлаб, нафақага чиққунга қадар Чироқчи туман марказий касалхонасининг травматология ва ортопедия бўлимида врач, касалхона бош враччи бўлиб ишлади.

ФАСЛИ БАҲОР

Фасли баҳор. Тонгги майин шабада дарахтларнинг кундан-кун каттараётган баргларини тебратмоқда. Зангори гилам оламини ўраб олмоқда. Субҳидам туриб ҳовлига чиқдим. Пишиллаб ухлаётган набирам Бехрўзжон уйғониб ёнимга келди.

- Бобо, нега мени уйготмадингиз, қуёш ҳам чиқай деб қолибди, - деди кўзини уқалаб. Иккаламиз бироз айландик.

- Бобо шунақаси ҳам бўладими? - бирдан савол берди набирам.

- Ҳа ўғлим, нима бўлди? Нега ундай деяпсан?

- Анави ҳиндистонликми, покистонликми, шахматчи Банн борку. Ўзбекистонга келиб ўн еттинчи жаҳон чемпиони Рустам Қосимжоновни енгиб кетди. У шунчалик зўрми, ёки меҳмон деб уни Рустам ака ардоқладими?

- Йўқ ўғлим, Рустам Қосимжоновнинг ўзи уни таклиф этган эди, бундан ташқари, унинг юриш йўллари урганмоқчи эди, - дедим.

- Нега энди, ўзи таклиф қилиб ўзи ютқазаверадими? Рустам Қосимжоновнинг ўзи борсин эди, - деб ўжарлик қила бошлади.



- Ҳа Беҳрўзжон, зўр албатта голиб келади. Ана энди Рустам Қосимжонов машқини, машгулотини янада кучайтиради.

- Унда менга шу бугун шахмат тахтаси олиб берасиз. Бу йил мактабга, биринчи синфга боргунча шахматни ўрганаман, - деб туриб олди неварам.

Тахта олинди. Лекин бобоси шахмат ўйнашни яхши билмайди. Юришни, жойлаштиришни биласизми, қолганини амаллаيمиз, деб набирам хурсанд. Ун кунлаб машқ қилинди. Охири тумандаги тўгаракка борди. Тўгарак раҳбари хушфеъл, яхши инсон экан, бир-икки ўйнатиб, ҳафтасига уч кун келишни тайинлади. Иштиёқманд Беҳрўзбек бир ой шугулланиб тумандаги 6-9 ёшли болалар мусобақасида биринчи ўринни олди. Вилоятда ёшлар мусобақасида иккинчи ўринни эгаллади.

- Ҳа Беҳрўзбек, у бола зўрмикан? - сўрадим.

- Ҳа, яхши экан. Мен тош олишда бир йўл орқада қолиб мот бўлдим. Агар у илдамдик қилмаганида икки юришда мот бўларди, - ҳеч ўксинмай жавоб берди.

- Яхши ўғлим, орзу-истак билан интилиш керак, ҳаракатда баракат дейишган машойихлар.

Ёшлиги туфайли Жиззах, Навоий вилоятларидаги мусобақаларга бора олмади. Хозирги кунда 5-синф ўқувчиси, ҳар ҳафтанинг жума, шанба кунлари мактабга шахмат тахтасини олиб кетади. Шу кунларда жисмоний тарбия ва меҳнат дарслари бор.

- Бўш вақтимиз бўлиб қолганда 4-5 ўртоғим билан шахмат ўйнаимиз, - дейди у, - аммо шундай катта мактабимизда шахмат-шашка тўгараги йўқ. Бунинг устига тумандаги тўгарак раҳбаримиз Тошкентга ишга кетган. Агар мактабимизда шахмат -шашка тўгараги очилса, шахматга қизиқувчилар сони кўпаярди.

МОМОГУЛ АБДУЛЛАЕВАНИНГ ТУРМУШГА ЧИҚИШИ

Сочи товонига тушган, бодом қовоқ, қуралай кўз, лаби қирмиз, қоши қийиқ Момогулнинг никоҳ тўйи 1957 йил 19 июль куни бўлиб ўтди. Унга берилган таърифлар фақат мен учун. Чунки онамнинг онаси Ойкумуш момо насиҳат қилиб деганди: "Сизлар

бир йилда, қирқ кун олдинма-кейин туғилдинлар. Шунда сизлар никоҳ фотиҳасини олгансизлар. Энди бир умр биргасизлар. Шунинг учун ҳам менинг сўзларимни қулоқларингга қуйиб, бир-бирларингга меҳрли, оқибатли, хушчақчақ бўлиб яшанглар. Тоған Абдулла жамоа раиси бўлса ҳам, менинг сўзимни икки қилмайди. Чунки у фарзандим. Сени ҳам дилдан яхши кўради", - деб дуога қўл очиб, бизларнинг ҳаётимизга бахт-саодат, яна меҳр-муҳаббат, дастурхонимизга Оллоҳдан ризқ-рўз, барака тилаб дуо қилганди.

Тўй базми мароқли ўтганди. Келинни уйга олиб келишда эскича удумимиз бўйича отда олиб келинди. Бу ҳолат Момом Ойкумушнинг таклифи ва талаби эди. Тўйнинг эртаси куни раиснинг шофёри Саид Қобилов чошгоҳларда келиб, "Раис бобо ҳозир ўқишга жўнасин, деб тайинлади", - деган хабарни етказди. Бу гапга асосан мен, Момогул, қариндошимиз Ўсар ака Жаҳонгиров, қайнонам Тўқсулув янга Самарқанднинг Кул қишлоғида яшовчи Абдуолим бобо Ҳалимов ҳовлисига бордик. Азалий дўстлик ва ошначилик риштасини боғлаган Абдуолим бобо бизларни жой билан таъминлади. Уйи шаҳар марказига уч чақирим келаркан. Ички ишларда ишлагани учун ҳар куни шаҳар оралаб юради ва бизларга йўл-йўриқ кўрсатади. Ичкари - ташқарили ҳовлисининг биринчисида магазин (дўкон), ун тегирмони ва моллари бор. Ичкари ҳовли тартибли қурилган. Салим, Тоҳир деган ўғиллари ва 4 қизи бор экан. Қизларидан иккови турмушга чиққан. Момо тетик, ҳали келин олишгани йўқ, сўзлашув тожикча, бизларга меҳрибон. Қайнонам уларнинг яшашига ҳавас билан қараб, сизлар ҳам яхши ўқиб, келажақда шундай киши бўлинглар, деб бизлардан панд-насиҳатини аямайди.

Орадан ўн кунлар ўтиб, отам Эшим шўро бориб қолди. Ҳол-аҳволдан сўнг, "Абдуолим, болалар қалай, сенга малол келмаяптими", - деб жайдари гурунгини бошлади. Бобонинг хотини "Оға, ундоқ деманг, ўғлим иккита эди, учта бўлди. Қизим ҳам кўпайди", - деб хурсандчилик билан овқатта уннади. Отам келинига қараб "Холиёрга ўқ урмайди, сенга бироз узоқлик қилади-да, ўйлама унинг ҳам чорасини қиламан", - деб бизлар билан шаҳарга чиқди. Кўча номини билмаса ҳам бориш жойини айтди. Бизлар



дарсдан келсақ ҳам бобо йўқ. Кечлаб яна бир киши билан келди. Суҳбат авжида. Улар яқин таниш эканлар, Тўқсулув момо билан қуюқ сурашди. Суҳбат охирида меҳмон "Абдуолим, сенинг уйинг шаҳардан узоқ, меникини биласан, Регистоннинг қоқ ўртасида, болаларни мен уйимга олиб кетаман, ЎзГУ ҳам бизнинг уйга яқин, чамаси 500 метр", - деб қолди. Барча биров сукут сақлади. Хуллас, суҳбат охирида кўчадиган бўлиб, чақирилган машинада кўчдик.

Уй эгаси Ёқуб бобо Иброҳимов вилоят ҳарбий комиссариатида ишлар экан. Аёли асли чироқчилик бўлиб, шу ёққа тушиб келган экан. Лекин фарзанди йўқ. Бизларни очиқ чеҳра биан кутиб олишди. Упка-гиналар ҳам бўлди. Раис бобонинг соғлиги, иши қайта-қайта сўралди. Отам ва раис бобонинг ошначилиги қарийб йигирма йил олдин бошланган экан. Икки кундан сўнг отам ва қудасига жавоб беришди. Бизлар хурсандчилик билан кириш имтиҳонларини муваффақиятли топшириб университет талабаси, деган номга сазовор бўлдик. Ана хурсандчилик, мана хурсандчилик. 15-20 кун худди бир йилдай бўлиб, қишлоқ, уй соғинчи бошланди. Айниқса, онамнинг гаплари эсимга қайта-қайта туша бошлади. "Қачон одам бўласан ўғлим, - деганди бир неча кун илгари онам. - Ҳов Момогул, сен кимсан, Абдулла Юсуфнинг қизисан. Мен эса Келдиёр Аминнинг неварасиман. Ўқийман дедингми, ўқи. Қишлоқ қизларига ҳозиргача ўқиш эшиги ёпилганди. Сизлар очинглар, ўқинглар, одам бўлганда ҳам хашаки одам бўлиш учун ўқиманглар, уй ишини ўйламанглар, мен борман, шўро бор, ҳаммаси жойида бўлади. Ана Олмосжон бор, уйда иш қоладими? Момогул, сен илмда, ахлоқ-одобда қизларга бош бўл". Ёруғ юз билан уйга кириб келдик. Бир зумда қишлоққа овоза бўлибдики, Холиёр билан Момогул Самарқанда ЎзГУ деган ўқишга кирибди. Тошкентта кетган Ойдин Нурматова ҳам ўқишга кирибди. Бир тумандан бор-йўғи 2 қиз кирибди. Бошқа қизларни ота-онаси юбормаганди.

Бизларнинг ўқишга муваффақиятли кирганимиз сабаб хурсандчилигидан отам иккита қўчқор сўйиб қайтадан тўй бошлади. Тўй тантанали, совга-салом билан ўтди. Эртаси куни Момогул "Амма, мен сизларнинг юзингизни ерга қаратмайман



Синфдошларнинг 60 йиллиги юбилейида

Холмёр Эшимов





Нуронийлар билан ҳашарда...



ҮМР МАҲЗАРАДАРИ





Оилавий дам олишда



Кексалик гаштини суриб...



Товоқсой оромгоҳида



Қашқадарё соҳилида турмуш ўртоғи билан

отам бир гапли ва қатъий одам, унинг сингиси сиз бўлсангиз, характерингиз отамникидек аёл эканингизни эсимни танигандан бери биламан. Худди айтганингиздай бўлади. Ташвишланманг, яшигина дуо ва насиҳатингизни бериб турсангиз бас, бошқа нарса керак эмас", - деб аммасининг кўнглини яшигина овлади.

Ўқишни битиргунча Эркин ва Ўктам ўғилларимиз тугилди. Эркин Самарқандда, Регистон майдони яқинида яшаган пайтимизда шу жойдаги тугруқхонада, Ўктам эса ёзги таътил вақти қишлоқда тугилди. Уларни катта қилишда турмуш ўртоғимга Ойша опа, онам ва укам Олмос қарашиб, ёрдам бердилар. Момогул охирги курсда сиртқи бўлимга алмаштириб қишлоқдаги ўша пайтдаги Микоян номли 31-мактабда ўқитувчи бўлиб ишлаб, меңдан бир йил кейин ўқишни тумомлади.

ЎзГУ СамГУга айланганди. Самарқанд давлат университетининг филология бўлимини тамомлаганимдан сўнг, мени Самарқанд вилоят газетасига ишга тавсия қилишди. Бу орада укам Олмос ҳам тиббиёт институтига ўқишга ҳужжат топширганди. Ота-онамнинг маслаҳати, оилавий аҳволимиз, иқтисодий шароитни ҳисобга олган ҳолда Чироқчи туман таълим тизими раҳбарининг чақириқ хатига асосан мен Чироқчининг "Зарбдор" қишлоғида жойлашган 12-мактабга она тили ва адабиёт фанлари ўқитувчиси этиб тайинландим. Мактаб интернат республика аҳамиятига эга экан. Момогул тарбиячи. Шароити яхши. Уй билан таъминландик. Иш эрталаб соат 7 дан кеч соат 9 гача. Ўша даврда Чироқчи билан Яккабоғ бирлашган, марказ Яккабоғнинг юқори посёлкасида.

"Турмуш ўртоғим Холиёр Эшимовни Қашқадарё Сурхондарёдан ажралиб алоҳида вилоят бўлиши билан, 1964 йилда Қарши шаҳрига ишга олиб кетишди, - деб эслайди ўша пайтларни Момогул момо. - Мен уйга қайтиб, Абу Али ибн Сино номли умумий ўрта мактабга директорликка тайинландим. Янги мактаб 1965 йили ишга тушди. Шу даврда Самад ака Шайманов РайОНОдан бўшаб, Охунбобоев номли колхозга раис бўлганди. Иш давримда отам ва Самад ака маслаҳати билан мактабни ўқув қуроллари билан етарлича таъминладим. Ўқитувчилар жамоасида ишни юқори



даражада тартибли йўлга қўйиб, мактабни вилоятдаги таянч мактаб даражасига олиб чиқдим. Бир неча кўриклар голиби бўлганим учун ўша давр ҳукуматининг "Ҳурмат белгиси" ордени ва медаллари билан мукофотландим. Узлуксиз 24 йил мактаб раҳбари бўлиб ишлаб, 1987 йили нафақага чиқдим. Ҳозирги даврда уй бекасиман. Беш ўғил, бир қизнинг онаси эдим. Кичкина ўғлим Шуҳратжон Самарқанд давлат политехника институтининг 1-курсини битириб, бир йиллик ҳарбий хизматга бориб, Москва шаҳрида вафот этди. Илҳомжон эса 35 ёшида авариядан, яъни ишдан келишида орқадан келган машина зарбидан вафот этди. Уч ўғлим, 4 келиним, 21 набира, 20 чевара билан Ўзбекистон Республикасининг озодлик ва мустақиллик байрамини кутиб олган ҳолда фаровон оила сифатида яшаб келмоқдаман.

Лекин афсусланадиган бир ҳолат кайфиятимни бироз хира қилади. Абу Али ибн Сино номи билан аталган мактабни қуришда собиқ ҳукумат давридаги туман раҳбарияти бўлган райком, вилоят ижроқўми ҳамда вилоят халқ таълими бўлимидагиларни тинимсиз безовта қилиб, қурилиш ва кўргазмали қуроолар учун жуда катта қийинчиликлар эвазига пул ундиришимга тўғри келганди. Янги қурилган мактаб синф хоналарини кўргазмали қуроолар билан етарлича тўлдириш, мактаб атрофини гулзорга айлантириш, янги бино ҳовлисига арча ва чинор дарахтлари экиш сингари юмушларни жамоа билан бирга амалга оширишда 1972 йил анчагина машаққатли, лекин эътиборли юмушларни адо этгандик. Ўша даврларда мен ва бутун жамоамиз учун мактаб мулки ниҳоятда қадрли ҳамда муқаддас эди. Унга хиёнат қилишни жуда катта гуноҳ, деб билардик. Ўқув-тарбия ишларини юқори савияда ташкиллаштириш, меҳнат интизомига доимо қатъий риоя қилиш мунтазам эътиборимиздаги иш ҳисобланарди. Бу борада ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари Эгамберди ака Каримов ҳаммамиз учун ибратли педагог эди. У киши мактабда дарсларнинг ўз вақтида ўтилиши, самарадорлиги учун жонини фидо қилиб ишларди. Аммо кейинчалик мен ва сафдошларим учун қадрли бўлган ўқув масканимизда ишлар анча бўшашиб кетди. Бир йилда уч марталаб директор алмашди. Мактаб биноси қаровсиз аҳволга

келиб қолди. Хуллас, ана шулар ҳақида ҳозирги жамоа чуқурроқ ўйлаб кўрса яхши бўларди, дея ҳаёл сураман баъзан.

Укаларимдан Келдиёр Юсупов Украинанинг Горловка шаҳридаги педагогика институтининг чет тили, яъни француз тили бўлимини, хотини Алмира иккаласи биргаликда битириб келиб, Чироқчи ва Қарши шаҳарларидаги мактабларда масъул вазифаларда ишлаб ўтди. Мейлидиёр Абдуллаевич Юсупов эса Самарқанд архитектура-қурилиш институтининг қурилиш факультетини битириб, Чироқчида, вилоятимизда қурилиш соҳасида самарали ишлади ва вилоят қурилиш бошқармаси бошлиги лавозимидан нафақага чиқди. Хотини Ойимгул Мўмин қизи ўрта махсус маълумотли тиббиёт ходими. Оилавий илми-билимли инсонлар бўлиб яшайди. Қорада борнинг қори тўқ деганларидек, Мейлидиёр вилоят туманлари қатори Чироқчи туманида ҳам қанчадан-қанча мактаб, коллеж, артезиан қудуқ ва бошқа қурилиш ишларини бажаришга ёрдам қилиб, ота ишининг давомчиси бўлди. Халқдан "Абдулла Юсуп қандай одам эди?" - деб сўрасалар, "У одам осмон билан ер ёпишса ажратадиган, бир ишни бошладим, охиригача етказадиган", - деган жавобни олиш мумкин. Шу отанинг болаларида. Темиржон 1954 йил 19 февраль эрталаб совуқда туғилсада, қаҳри қордай совуқ эмас, баҳор фасли об-ҳавосидек юмшоқ, майин, одамижон бўлиб ўсди. Илмда тиришқоқ, Самарқанд кооператив институтини битириб, Шаҳрисабз шаҳридаги райПОда ревизор - бухгалтер, вилоятда бошқарма ревизори ва кейинги вақтларда Ўзбекистон Республикаси аҳамиятига эга ревизор-назоратчи бўлиб ишлаб келмоқда. Болалари ҳам ўқимишли, аёли шаҳрисабзлик. У ҳам педагоглиқдан нафақага чиққан. **Синглим Бибизайфа Қарши давлат педагогика университетининг кимё-биология бўлимини тамомлаб, нафақагача умумтаълим мактабларида ўқитувчи бўлиб ишлади.** Турмуш ўртоғи Урол Хидирназаров олий тоифали врач эди. Ёшлигидан бирозгина шўх ва ўжар Алишер 1957 йил туғилиб, ота-онасининг орзу-истағи билан унга Алидай қудратли инсон, шердай куч-қувватда тенгсиз бўлсин, ҳеч бўлмаса Алишер Навоийдек илм аҳлига ўхшасин деб Алишер исми берилди. Ўжар



ва шуҳ Алишер ҳам Самарқанд кооператив институтининг савдо бўлимини тамомлаб, Чироқчи туманининг илгариги райПОсида савдо бўлимининг бошлиги, умумий овқатланиш корхонасининг директори, райПО раиси ва вилоятда давлат таъминоти корхонасининг бошлиги бўлиб ишлаб келди. Кейинги вақтларда савдо соҳаси бўйича тадбиркор бўлиб фаолият кўрсатмоқда. Турмуш ўртоғи Муқаддам шаҳрисабзлик бўлиб, хўжайинининг ёрдамчиси. Алишернинг суҳбатида бўлсангиз, унинг ўткир руҳшунос, майин, кўнгил очар инсон эканлигига амин бўласиз. Доимо отам шаънини сақлаш, доғ туширмаслик бурчим, деган гоёни қўллайди. Энг кичик укам Баҳодиржон оддий деҳқон.

Ота-онам, қайнотам ва аммам ўғитлари бизларни ахлоқ-одобли, ишда қатъиятли ва халқпарвар бўлишимизга сабабчи бўлди, ватан ардогига олиб чиқди. Ҳозирги кунда ёшимиз 80 да бўлишига қарамай, ватанимиздаги тараққиёт завқи билан яшаймиз, кундалик матбуот янгиликлари билан яқиндан танишишга интиламиз.

ҚАБРИМ ҚАЕРДА?

Араббанди қишлоғида 2-жаҳон урушигача инсонларни дафн этиш қабристонини Самарқанд вилоятининг ҳозирги Нуробод туманининг Жом қишлоғидаги "Мавлажон ота" қабристонинида бўлган. Жом баҳаво узун сойликдан иборат бўлиб, бебаҳо жой. Араббанди қишлоғи оралиғи 10-15 чақирим. Масофа узоқ. Ўлик от-арава ва отларда олиб борилган. Элу халқдаги азоб-уқубат анча оғир бўлган. 35-40 йилларда Иброҳим ота ва Жом қишлоғи оралиғида "илонли сой" деган жойда қипчоқ саройлик Жумагулов Хушвоқ, Рўзиқул чурагисининг ўғли Равшан ва Ашурпухорилар йўлини 4 отлик йўлтўсарлар нарсаларини олиш мақсадида хужумга ўтади. Вақт қоқ туш пайти. Улар рўзгор кечириш мақсадида экиладиган оқ жўхори, 10 кг тариқ ва босарлик деб оз-оздан сабзи, кўк пиёз олиб келаётган экан. Муомалага кўнмаган 4 отлик йўлтўсарлар хужумга ўтади. Шунда йўлтўсарлар Хушвоқ бобога қараб "полвон бобо" бизлар сизни таниймиз. "Чавандоз ва полвонсиз" деб қўл-оёғини боғлаб устига алоқдан бўлган чопонини ёпиб жим ётинг деб хужумни кучайтиради. Шунда Равшан ва

Ашурпухори тириклайин болаларим рискисини сенларга бераманми?" деганича иккаласи икки йўлтўсарнинг бўйнидан олади. Қутулишига иложи етмагач, йўлтўсарларга қўлида болта билан ҳамла қилган. Иккаласи маҳкам чангак қилиб олган. Равшан ва Ашурпухорининг қўлини чошиб, улжаларини олиб, кун чиқишидаги тогга чиқиб кетади. Улик ҳолатда ётган дўстларининг инграши Хушбоқни ҳам безовта қилади. Амаллаб, иплардан ўзини соқит қилган Хушбоқ қишлоққа хабар етказди. Хабарни эшитган "қизил қумчи" жамоа раиси Абдулла Юсупов бир арава ўн отлик бўлиб кеч пешин етиб боради. Хушбоқ аканинг айтишича йўлтўсарлар жомлик.

- Менинг ҳам қўлимни ечинглар, жонсиз бўлиб қолди. Равшан билан Ашур ўлди. Раисжон сен бир гапли одамсан, шуларнинг қасдини сен тушмасанг бошқалар қилолмайди, деб жаврайверди. Нима бўлса, бўлибди, деб мурдаларни олиб қайтади. Дафн маросими ўтиб, қишлоқ чеккасидан жой белгиланиб "Қабристон" деб аталади. Қишлоқнинг эътиборли муллasi ҳисобланган мулла Мамат ҳатибга қараб, "Мулла бобо, сиз Араббандининг юқорисидаги бошлов (13 та бошлов)нинг қиридан бир чайла бўлса ҳам мачит ҳисоблаб қабристон жойини белгилайсиз. Жомликлар бизларга шунча зулм ўтказадими. Ҳали уларнинг иши бизларга тушади деб халқни тинчитмоқчи бўлади. "Халқ бир оҳангда қонга-қон, жонга-жон оламиз, раис буш кетманг" деб бақаришади. Уйда қолган раис Абдулла Юсупов Жом қишлоғи сойда, икки томони ҳам тошлоқ, баҳор келиши билан бизнинг ерлардан тактак теришади. Арпа ўроғимизга келишади. Бунда фақат эркаклари эмас, 30-40 талаб хотин-қизлари ҳам келишади. Шу вақтгача биз жим турайлик. Уларнинг ҳам кайвонилари бор. Улар бир хулосага келишмаса, мен сизлар томондаман. Вақт берайлик, Шурқудуқдан ҳам бир қабристон ўйлик деб халқни тинчлантиради. Чунки, Абдулла раис ақдан зўр, ёш бўлса-да халқпарвар инсон, халқига жабр-ситам раво кўрмайдиган, ўз принципини туман раҳбарлари олдида ўтказадиган дангал одам бўлган. Раиснинг дангаллигига ишонч билдирган халқ қишлоқдаги бой бадавлат бойлардан Холбеквой, Тўймабой, Бободўстбой, Рўзиқул чурагиси, Мулла



Маматхатиб, Жалолхон эшонлар кенгашида Шурқудуқ қишлоғи охирида Шоввоз ота қабрини тиклаш ишларини найман Шагараклик мулла қора хатибга топширади. Мулла қора хатиб бир чайла қуриб Шоввоз отани зиёратжойга айлантиради. Ҳозирги кунда унинг болаларидан Абрай Сатторов деган киши Жумадан 6 км узоқдқдаги собиқ Ленинизм колхозида яшайди. У ёқлар га кетишига сабаби диндорларни таъқиб остига олинishi бўлган. Қизил қўшчилик мулла Мамат хатибга Сиз Москвадан қўрқмайсизми деганларида, "Мен нимадан қўрқаман, ёшим 80 дан ошди. Бир чайлам, қора ҳангим, беш ботмон лақабли хотиним бор. Керак бўлса пишириб есин, мен фақат худодан, ноҳақ ўлимдан қўрқаман, деб жавоб беради. Ҳозирги кунда бу жойлар обод. Араббанди қишлоғидан жомликларнинг тактак териши, машоқ териши таққатақ тўхтади. Қайси бири шартнома қилиб, 10 сотих ернинг арпасини ўриб, боғлаб берса, бошқа майдондан машоқ теришга рухсат берилди. Халқ ҳам раис режасини маъқуллаб Жом бозоридан эмин эркин савдо қилиш ҳуқуқига эга бўлди.

ДЎСТЛАР АҲДИ

Раҳмат – Абдураҳмон ака

Доимо хушчақчақ, эл аро обрўга эга Абдураҳмон ака меҳнатда чумолидек ҳаракатда.

- Абдураҳмон сиз чарчамайсизми, маҳаллада доимо янгилик сари интилиб, фидокорлик кўрсатаябсиз, деган кишига,

- Йўқ мен чарчамайман бу хислат отамдан ўтган деб жавоб беради. Отаси Бозор Эшбулаев ўсмирлигидан кўзидан нури кетгунча жамоада ҳисобчи бўлиб ишлаган.

- Отам "Элда обрў топай десанг, бугунги ишни эртага қолдирма, Қолган ишга қор ёғар. Чумолидек ҳаракат қил. Аммо ўйла, яна ўйла, меҳнатта онгли ҳаракатда бўл" – деб сабоқ берарди. Отам 35 йиллик фаолиятида қанча тафтишга дучор бўлган бўлса, бир сўм ҳам растрата, жаримага дучор бўлмаган.

Айтардики, "ким сендан нажот истаб келса, имконинг борича ёрдам бериш билан яхшилик қил". "Лекин қилган ёрдамнингни миннат қилма", – дерди. Худога беҳисоб шукурлар бўлсинки, ҳозирги

кунда ўнлаб шогирдларим бор.

Мисол учун, Холбой Шодиёров. Ҳозирги кунда эл ардоғида, хожи бобо деган номга муяссар бўлди. Ҳар бир тўй - томошада ўрни тўрда.

Холбой Шодиёров ўта камтар, очиқ феъл, одоб-ахлоқда намунавий, доимо матбуотни ошно тутган инсон. Ҳаттоки шифо берувчи ўсимликлар сирини билишда А. А. Ибн Сино ва рус табибларидан сабоқ олади. Тадбиркор Холбой акани 2012 йили Дам қишлоқ фуқаролар йиғинига таклиф қилганимизда ўз шахсий хўжалигида ишлаб чиқилган асал ари болидан уч юз кг.ни маҳалладаги кам тامينланган, боқувчисини йўқотган ва ногиронлар, қария ва нуронийларга ҳадя этди.

2013 йили бу к 100 кг-га о шди ва ҳар йили ошса- ошдики, камаймай келмоқда.

2016 йил Наврўз байрами яқинлашганда маҳалладаги учта боқувчисини йўқотган онага ҳадя деб Холбой Шодиёров стол устига бир юз элик минг сўм қўйди. Бу сумма бир пасда уч юз элик мингга айланади. Мен ҳам қуруқ қолмайин деган Эштемир Тиловов ҳам 20 минг сўм ҳиссасини қўшди. Наврўзга бир кун қолганда момолар табрикланди. Бу анъана йилдан йил кўпайиб келмоқда

"Қовундан-қовун ранг олади" деган нақлга амал қилиш, энгил автомобилларни таъмирлаш моҳир устаси, ҳам дурадгор уста Карим Ҳайитовга ўтади. Уста ўз шахсий жамғармасидан тоза-ичимлик сув учун артезан қудуқ қазишни зиммасига олди. 180 метр чуқурликка қудуқ қозилиб - тонналик бочкадан оқаётган тоза ичимлик суви маҳалланинг қарийб юз хонадонини таъминлаб келмоқда. Халқ хурсанд, сув ташувчи қарвонлари камайди. Халқ ўзлари фикрлашиб электр энергия қувватига ёрдам тариқасида ҳар ойда беш минг сўмдан уста Каримга миннатдорчилик билдирган ҳолда ёрдам қўлини чўзмоқда.

Бундан ташқари уста Карим ўзининг деҳқон фермер хўжалигида ҳаракат қилиб икки гектар ерга ҳар хил мевали дарахт экиб, парвариши билан шугулланиб маҳалла аҳолисига арзон нархда мева маҳсулотларини етказиб бермоқда. Уста Карим



хўжалигида 5 та иш ўрни очилган. Тадбиркор хожи Холбой Шодиеров хўжалигида 7 киши иш билан таъминланган. Буларнинг барчасида Абдурахмон Бозоров маслаҳати, тавсияси қатта.

Шунингдек, эл орасида Гулнора Пулатова, Абрайқассоб ва бошқаларнинг ҳам активлиги кундан-кун ошмоқда.

ТАРИХ - ЖАМИЯТ КЎЗГУСИ

Бу азиз ватан барчамизники. Унинг бахт-саодати, ёруғ истиқболи, фаровон келажаги учун яшаш, курашиш, керак бўлса жонни фидо қилиш шу муқаддас заминда яшаётган ҳар бир инсон учун бахтдир.

Ислом Каримов.

Саксон баҳорни қаршиласамда, матбуот мен учун таянч, суянч ва маслаҳатгўй. Биз ҳозирги кунда янги давлат, янги жамият қурмоқдамиз. Бунда ҳар қайси одам тарихни, айниқса, ўз юрти тарихини яхши билмоги лозим. Чунки тарихни халқ яратади. Халқимиз бекорга айтмаган "Яхшидан бог қолади, ёмондан доғ қолади". Моддий неъматларнинг яратувчиси ҳам халқ, маънавий бойликлар эгаси ҳам халқ. Ана шу халқнинг турмуш шароитини билиш, унинг қўнглини, қалбини тушуниш йўлбошчиларнинг, оқсоқолларнинг муқаддас ишидир. Ўзбек миллати дунёда битта, Ўзбекистон ҳам жаҳонда ягона ватандир. Истиқлол туфайли халқимиз тараққиётнинг равон йўлидан олга бормоқда. Аммо гуруч ичида курмак деганларидек, мустақилликнинг қадрини англамаётган баъзи бир инсонлар ҳам юртимизда йўқ эмас. Мамлакатимизнинг биринчи Президенти муҳтарам Ислом Каримовнинг ҳар бир нутқида, маърузасидаги халқимиз ҳаётининг ривожи, юртимиз равнақи хусусидаги фикрлар диққатимизни тортмасдан қолмайди.

Баъзида нуроний ёшга яқинлашган айрим юртдошларимизнинг "Мен пенсионерман, нафақадаман, соч-соқолим оқарди. Энди, мен учун намоз ҳам қарз, ҳам фарз", - деб гапиришларини ҳам эшитиб қоламиз. Аввало, эътиқодга, эзгуликка интилишнинг ўзи шарафли иш. Лекин айримларнинг эндигина тоат-ибодатни аранг ўрганиб, муллачилик даъво қилиб қолиши ҳам кўпинча жуда ажабланарлидир. Ёки ўзгалар назари учун мачитта қатнайдиган, ёши бир жойга бориб қолган бўлсада, жума намозидан чиқиб диний ахлоқ-одобга ҳам, дунёвий тартиб-интизомга ҳам тўғри келмайдиган ишлар билан шуғулланадиган баъзи кимсаларга нима дейиш мумкин? Энг аввало, яхши одоб-ахлоқ эгаси бўлмоқлик муҳим эмасми? Ёшларни меҳнатга, илмга, ҳунарга даъват қилиш,



назаримда зарур ва маъқул ишлардир. Онда-сонда бадий асарни уйдирма, газета хабарларини мухбирнинг тўқимаси, кексалиқда ўқиб нима бўлардим, дейдиган кишиларга ҳам дуч келиб қоламиз. Ахир "Қуръони Карим"да, ҳадисларда илм олишнинг, ҳунар ўрганишнинг аҳамияти, бешиқдан қабргача ўқиш зарурлиги ҳақидаги фикрлар бекорга айтилмагандир.

Муҳими моддий бойлик, маънавият ўз-ўзидан келади, дегувчилар ҳам йўқ эмас. Тўғри, турмушда иқтисод масаласи катта аҳмиятга эга. Мустақиллик туфайли ҳозирги кунда юртимиздаги ҳар бир оила тўқ ва фаровон турмуш тарзига эга. Аста-секинлик билан шаҳар ва қишлоқ орасидаги тафовут йўқолмоқда. Қайси хонадонда бўлманг, ўз шахсий уй-жойи, енгил, ҳаттоки кўпчилик юк автомашинасига эга. Аммо шу билан бирга, мукамал тараққиёт маънавий асосларсиз амалга ошиши мумкин эмас. Маънавият инсоннинг, халқнинг, жамиятнинг, давлатнинг юксалишида, қудратли бўлишида энг аҳамиятли пойдеворлардан биридир. Маънавият бўлмаса, ривожланиш ва тараққиёт, қолаверса, моддий бойликка эришишнинг ўзи бўлмайди. Баъзан кимлардир пахта энди миллий бойлик эмас, деб мамлакатимиз қишлоқ хўжалигидаги аҳамиятли экин бўлган "оқ олтин"га нисбатан беписанд муносабатда бўладилар. Аммо кўпни кўрган, турмушнинг аччиқ-чучугини етарлича тотиган отахон-онахонларнинг юртимизни дунёга танитган "оқ олтин" йигимтерими мавсумида теримчилар ёнига бориб, "Ҳорманг деҳқонлар, ҳосилингиз мўл бўлсин, хирмонингиз барака", - дея далда беришининг ўзи деҳқонга қувват, илҳом бериб, пахтакорнинг меҳнати қанчалик қадрли эканлигини англайди. Утган йигимтерим мавсумида 94 ёшли Эргаш бобо Ҳасанов, 80 ёшни қоралаган Тўра бобо Қодиров, Наби бобо Рашидовлар сингари кўплаб меҳнат фахрийлари "Нуроний" жамғармаси туман бўлимининг раиси Холиёр Эшимов билан биргаликда пахтазорга боришди. Теримчилар аввало ҳайрон бўлишган бўлишсада, аммо деҳқонларимизнинг пешона терлари эвазига етиштирилган қимматбаҳо хомашёни ўз вақтида йигиб-териби олиш ишига ўз ҳиссаларини қўшмоқчи отахонлар ва онахонлар ташаббусидан

хурсанд бўлишди. Фермер хўжалиги раиси Ҳабибулла Пўлатов "Раҳмат сизларга қадрли отахонлар ва онахонлар, доимо соғ бўлингиз, сизлар бор, бизнинг ҳаётимизда, меҳнатимизда, тўплаётган хирмонимизда барака бор. Сизларнинг пахтазорга ҳашарга келишингиз бизни янада яхшироқ меҳнат қилишга ундайди", - деб ҳашарчиларга самимий миннатдорчилик билдирди. Пахтазордаги ҳосилни чамалаган отахонлар жамоанинг нияти ва режалари билан қизиқдилар. Фермер хўжалиги раиси биринчи теримда 80 фоизлик маррани кўзлашаётганини, насиб бўлса бир ойга қолмай шартнома режасини ошиги билан уддалаш ниятида эканликларини айтди. Отахонлар ва онахонларнинг ташаббуслари кўпчиликка намуна бўлди. 2-3 кунда ҳашарчилар сони 30 нафарга етди. Ҳаёт мазмуни нимадалигини билишга интилган бундай кишиларнинг амалга ошириб келаётган ишлари маънавиятга, комиллик сари қўйилган намунали қадамлардир.

Буюк Соҳибқирон, саркарда Амир Темурнинг шижоати, гурури, элим, юртим, ватаним деб қилган баҳодирона ишлари жаҳон халқларини лол қолдиргани тарихдан яхши маълум. Шеърят султони Алишер Навоийнинг туркий, яъни ўзбек тилининг бойлигини далилий исботлаб бериш йўлидаги буюк хизматлари таҳсинга сазовор. Тиббиёт илмининг саркори Абу Али ибн Синонинг жаҳоншумул хизматлари, қомусий аллома Ал - Хоразмийнинг фан тараққиёти йўлидаги заҳматли илмий ҳаракатлари ҳамон башариятнинг ақлини лол қолдирмоқда. **Ҳадис илмининг улуғ билимдони Ал - Бухорийнинг тўрт минг ҳадисни ёддан билиши инсон маънавияти юксалишининг амалдаги кўринишларидир.** Инсонларни одоб-ахлоққа, илм-маърифатга чақиришнинг ўзигина маънавият ривожини йўлидаги улуғвор қадамлардир.

Биз ҳозирги даврда бир кунимиз бир ойга, бир ойимиз бир йилга тенг тарихий жараёнларни, тараққиёт ва ривожланишларнинг қудратли кўламини бошимиздан кечираяпмиз. Албатта, биз ҳар биримиз, миллатпарвар, халқпарвар, элпарвар бўлишимиз, ўз халқимиз ва юртимиз ўтмишини, тарихини инсон сифатида, қолаверса шу ватаннинг содиқ фуқароси



сифатида яхши билишимиз керак. Мустақил Республикамиздаги ҳар бир соҳани олиб қарайлик. Мамлакатимизда кечаётган буюк ўзгаришлар ҳам аслини олганда миллат маънавиятининг юксалиб бораётганлигининг далолатидир.

Ўзбек халқ оғзаки ижодиётида ҳар хил миллат, элат, уруғлар турлича таъриф ва тавсиф этилади. Аввало, ўзбек халқи қандай ҳолда таърифлаб келинган? Тарихдан яхши маълумки, 533-553 йилларда Турк ҳоқонлигининг дастлабки кўриниши пайдо бўлган. Унинг биринчи подшоси Тумин 552 йилда Жужанлар давлатини тор-мор этганидан сўнг "хон" унвонини қабул қилади. Бу ҳолат туркий халқлар манфаатига мос эди. Унинг вафотидан сўнг Кичкихон 553-572 йиллар, ундан сўнг Туманхоннинг ўгли Тобахон 572-581 йиллар даврида турклардаги 10 та қабилани бирлаштириб турк ҳоқонлигига асос солган. Туминнинг укаси истамилар, қангли, қарлуқ, чигил, ёгма, қипчоқ, халож, ўгуз, нушебилар сингари уруғларни бирлаштирган эди.

Араблар босқинчилиги Ўрта Осиёнинг деярли барча ҳудудларига тарқалган даврда қарлуқлар Хуросонда, ўгузлар Хоразм воҳасида, қанглилар Тошкент, Самарқанд, Жиззах вилоятларида, қипчоқлар эса Қашқадарё, Сурхондарё ва Жиззах вилоятининг тоғ олди ҳудудларида жойлашгандилар. Бу халқлар асосан чорвачилик, деҳқончилик билан банд эдилар. Шунингдек, улар яшаб турган ҳудудларини ташқи душмандан ҳимоялаш борасида ҳам эътиборли эдилар. VII-VIII асрларда ҳозирги ўзбек халқи аجدодларининг этник бирлиги бирмунча аниқроқ шаклланди ва кенгайди. Деҳқончилик, экинларни сугориш маданияти, ҳунармандчилик, савдо-сотик муносабатлари ривожланди. Бу босқичда тил бирлиги барқарорлиқди. Сўз бошида қипчоқ-қўнғиротлар сўзлашуви таъсирида "и", "я", "ё", "и" товушлари ўрнида "ж", "жа", "жо", "жу" товуш бирикмаларининг қўлланиш ҳолати кучайди.

X асрларда туркий қабилалари орасида, тахминларга кўра, алоҳида ўзбек уруғи ва қабиласи мавжуд бўлган ва улар Ўрта Осиё ҳамда Европа ҳудудларига тарқалган. XVII асрдан бошлаб 3 аср мобайнида ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида 3 та хонлик юзага

келган. Булар Хоразм, Бухоро ва Қўқон хонликларидир.

20 - аср бошларида Ўзбекистонда жаҳидчилик даври бошланган. Бу даврда рус большевикларининг зўравонлик таъсири кучли бўлганлиги тарихдан яхши маълум. Жаҳидлар ўз мустақиллигини талаб қилишган, озодлик тарафдорлари бўлган. Аммо уларнинг кўпчилиги қатагонга учраганлар. Жумладан, Фитрат, Абдулла Авлоний, Беҳбудий, Усмон Носир, 30 йилларга келиб Файзулло Хўжаев, Акмал Икромов ва юзлаб улар каби инсонлар қатагон қурбонларига айланган.

Ўтмишимизга назар ташласак, қабила ва уруғларнинг вужудга келиши ўзбек халқ оғзаки ижодида, хусусан Алпомиш достони сингари асарларда таърифланишича, X асрлардан бошланган. XVII асрда Ўрта Осиёдаги хонликлар даврида (Хоразм, Бухоро, Қўқон хонликлари) алоҳида миллат, элат ва уруғлар аниқлиги пайдо бўлган. Жумладан, Сурхондарё ҳудудларидаги халқлар ҳаёти куйланган "Алпомиш" достони қаҳрамонлари, ака-ука Бойбўри ва Бойсари ҳаётидаги воқеалар бунга мисол. Уша даврларда элни бошқаришда, раиятга маслаҳат беришда қўнғирот элининг беги ақлли ва доно маслаҳатчи ҳисобланиб давра тўрида, унинг ёнида эса хонжигали элининг беги ва давр талабига кўра бошқа амалдорлар, уламою беклар туришар экан. Қўнғирот ва хонжигали элининг беги ёки вакили томондан билдирилган таклиф ва сўз бўйича масала ечими ҳал бўларкан. Бу аснода бир томондан қўнғирот ва хонжигали элининг бир-бирига яқинлиги бордек. Бунинг исботловчи далил сифатида Алпомиш достонининг 100- ва 111-112- бетларида Қалмоқ юртида мол-мулкдан ажраб, Қалмоқ юртининг хони Тойчахон зарби билан ўз молига чўпонлик қилиб, мардикор сифатида юрган Бойсари томонидан айтилган гапларни эслаш мумкин. Кунлардан бир кун Бойсари бир карвонга дуч келиб, ундаги савдогарларга қарата шундай дейди: "Мен ҳам бир вақтлар Хонжигали-Қўнғирот элининг беги эдим, қалмоқ хони Тойчахоннинг дастидан шу аҳволга тушдим, борсангиз магар қўнғирот элига, Ҳакимбойга билдиринг". Бойсарининг бу гапи қўнғирот ва хонжигали уруғлари орасида азалий дўстлик ва қон-қариндошлик борлигини билдиради.



Мовароуннаҳр, Хуросон, Бадахшон, Дашти Қипчоқнинг бир қисми бирлаштирилган даврдагина 92 ўзбек уруги тилга олинган. Ҳофиз Таниш Бухорийнинг "Абдулланомаси"да 80 га яқин уруглар тилга олиниб, шундан ўзбек, сарой уруглари ҳақида анча тўлиқ маълумотлар бор.

Кекса тут дарахтининг қавагида дунёга келган Қипчоқнинг ҳақиқий отаси Боёзид билан Эрон шоҳи ўртасидаги урушда вафот этиб, Қипчоқ она қорнида қолган эди. Боёзид уни 17 ёшигача тарбиялаб, уйлантиради, овул четидан жой бериб унга шундай дейди: "Қипчоқ, энди сен овул хабарчиси, четдан келган дўсти душмандан хабар берувчисан". Қипчоқни ёшлигидан Боёзид тарбиялаганлиги учун уни ҳурмат қилган Қипчоқ ўз зиммасидаги топшириқни оқилона бажаради ва вақт ўтиши билан ўз чайласига яқин жойда алоҳида меҳмонхона қуради. Келган меҳмонларни шу жойда қабул қила бошлайди. Чунки яшайдиган уйи тор бўлиши билан бирга, ўзи бола-чақали эди. Қипчоқнинг алоҳида уйини кўрган меҳмонлар "Эй Қипчоқбой, вақти келиб, вояга етишинг билан уйингдан ташқарида сарой қурибсан, сен асл ўзбек йигитига айланибсан, балли", - деб ҳурмат эҳтиром билдирадilar. Эҳтимол, шу даврдан бошлаб сарой уруги пайдо бўлган, деган тахмин ҳақиқатга яқиндай. Давр ўтиши билан сарой уруги Урта Осиё бўйлаб кўпгина ҳудудларга тарқалади. Ўзбекистоннинг Чироқчи туманида, айниқса, Чироқчи туманидаги Қумдарёнинг ҳозирги "Оқ олтин" хўжалигидан тортиб Бешчашма, Ўмакай, Эскианҳор, Араббанди, Торжилга каби хўжаликлари ва қишлоқларида майда уругларга бўлинган бўлиб, улар 11тани ташкил этади. Булар қуйидагилар:

1. Қазоёхли ёки Қазоёҳли ҳозирги кунда 140 та бўлди.
2. Қонжигали-Қароқия, Чилоёқ, Қутан, Галасўпи, Галабек, Олти айвон, Алла, Жовлибой, Гулдир, Қўнғирот, Тошкур, Карчин, Қаро Ниймон ва бошқалар.
3. Қирқ оёқ.
4. Қулчан.
5. Мирзотўп 30 тадан 40 тага ўтди.
6. Обоҳди.



7. Шачарак.

8. Найман сарой.

9. Чор кўса.

10. Қаргаёқ.

11. Мулла ва эшонлар бўлиб, булар алоҳида уругларни ташкил этган.

Биз сўзимиз бошида хонжигали уругини қонжигали деб аташимизнинг боиси ҳақиқатда хонжигали уруги кийиниш жиҳатдан худди хонлардек кийинган. Давр ўтиши билан ўзаро жанжаллар, жанглар туфайли қонжигали уругига айланган. Қонжигали уругининг ўта зўр, ўз ҳақини айириб олишда зўравонлиги туфайли хонжигалидан қонжигали деб номланиб кетиши тўғрисида бир қатор асосли ривоятлар бор. Қадимги тўйлар кураш, улоқ-кўпкариларсиз ўтмаган. Шу тўйларда ҳар бир уруг тўйларда қўноқ беришда ҳам қонжигали уруги бир ярим қўноқ олган. Обоҳли уруги кичик ва камчил бўлгани учун уларга ярим қўноқ белгиланган. Шунинг учун ҳам улар қонжигалига қўшилган. Қазаёқли уруги 2 та, қолганлари биттадан олган. Қадимда ҳар бой тўйга 500 талаб қўйни қўтонга қамаб тўй бошлар экан. Ҳар уруг тўлиқ борадими, ёки кам борадими, белгиланган ҳақини берар экан. Улардаги яхши аънана тўйдан олинган қўноқни бир жам бўлиб, пишириб ейишар экан. Бу одат меҳр-муҳаббат белгиси бўлган.

Ўн бир кичик уругнинг тўй-томошаси деярли бир жамликда ўтар экан. Ҳаттоки, қайси хонадонда ўгил фарзанд тугилса, сайилларда қишлоқ аҳлига дастурхон тузаб, имкониятига қараб улоқ-кўпкари учун серка сўйиб, ёшларни улоққа чорлаш одат бўлган. Албатта, катта тўйларга Самарқанд вилояти Жом қишлоғи, Чўнқаймиш, Сариқул қишлоқларидан атоқли чавандозлар ҳам таклиф этилган. Қипчоқ саройдаги катта бир тўйда жомлик бир киши "Ҳой биродарлар, довул қуни Жомнинг Гул қишлоғида катта тўй бор. Солими ҳам катта, барчангизни шу тўйга таклиф этамиз ва кутамиз", -деб қайта -қайта чорлади. Тўй охирида Қипчоқ саройлик бой ва чавандозлар тўпланиб, биргаликда бориб-келишди. Шунда кимдир "Ҳой биродарлар, тўйга борсанг тўйиб бор, деган



гапни ҳам эсланглар, чунки жомликлар тўйида овқат бермайди. Айтдим-қўйдим-да", - деб қўйди. Хуллас, тўйга қонжигали уругининг Чўммоқ отасидан Тўймабой Холбеков, Сафар Хушвақтов, қирқоёқ уругидан Бободўстбой, қазоёқли уругидан Даминбой, шачаракли Турди полвонлар бошчилигида 20-30 отлиқ етиб бордилар. Жомликлар кўпкари улогини хобозадан, яъни қўлда ясалган баландликдан ташлардилар. Бунда анчагина гирромлик бор эди. Кўпкари бошланди. Қипчоқ саройликларга улоқ тегмаяпти, қайсидир бир чавандоз улоқни тақимга олиб, товуш чиқарган эди, жомликлар ўровга олиб, улоқни олиб қўйишди. Ҳалиги чавандоз тўдадан қуруқ чиқиб четлаб кетди ва солим берилмади.

Хобоза устидаги 20-30 одам орасидан қипчоқ саройлик Гилбинди қалпоқ лақабли чавандоз тизилиб турган чавандозларга қарата кўпол сўзлар айтиб, жанжал чиқармоқчи бўлди. Бунинг ҳаммаси кайвонига қарата айтилган сўзлар эди. Шунда жомликлар "Аҳмадни топинглар, тентакка тентакни қўямиз", - дейишиб чувиллашди. Аҳмад хобоза устида экан. Гилбинди олдига олиб келишиб, иккаланг гаплаш, деб қўйишди. Гилбинди Аҳмадга тик қараб "Ҳақиқатни айтмасанг, ўзингни тентакликка олсанг, сени ҳозирнинг ўзида икки путингни айириб, лошингни улоқ қилиб ташлайман. Мени Гилбинди қалпоқ дейдилар", - деб яқинлашган сайин, Аҳмад орқага тисарилиб одамларга қаради. Шунда бир неча киши "Ҳа Аҳмад, қайтма", - дейишганди, жомлик Абдушукур полвон, Баҳри меш, Муҳаммади мешлар аралашиб, жанжалнинг олди олинди ва кайвонига танбеҳ берилди. Ана энди улоқ ўртага отиладиган бўлди ва қипчоқ саройликлар ҳам 5-6 тақим қилиб охирги улоқни ҳам олиб қайтдилар. Ҳазил мутоиба билан эртаси куни охури деб аталган така гўштини Гилбинди уйида полвонлар ейишиб, "Гилбинди, сенинг кечаги улоқ пулинг", - дейишиб, 5-10 сўмдан анча пул беришди...

. . .

Утган аср бошларидаги инқилоб, кўп жойларда бўлгани сингари, Чироқчида ҳам анча ўзгаришларга сабаб бўлганди. Халқ оғзида "Колхоз тузилармиш, шўро ҳукумати бўлармиш, ҳамма бир жамоа бўлиб яшармиш", - деган гап-сўзлар кундан-кун кўпайди.

Кимки колхозга қўшилмас экан, бойлиги олиниб, ўзи Сибирга сургун қилинармиш, деган гап-сўзлар халқ орасида бир мунча нотинчликни юзага келтирди. Айниқса, мол-мулкни олармиш, сургун сўзлари одамларни чуқур ўйга толдирди ва айримларда бошқа юртларга яширинча кўчиб кетиш фикри пайдо бўлди. 1928 йил охирига келиб, Торжилга қишлоқ кенгашининг Батрак қишлоғида "Артел" тузила бошлади. Араббанди қишлоғида "Дум" деган бало тузилди. "Дум" раиси Сафар оқсоқол бўлса, унинг бош мирзаси этиб Хушвақтов Эшим сайланди. Буларнинг вазифаси қишлоқ аҳлини рўйхатга олиш, бой, батрак ҳамда қашшоқ ва камбағалларни белгилаш эди. Халқда ваҳима, қўрқинч авжида. Ҳар куни юқоридан ҳар хил топшириқ, бажариш мажбурий. 1929 йилда 19 яшар Абдулла Юсуповни марказга чақириб, Қалқама қишлоқ советига саркотиб шўро этиб тайинлашади. Бу гапни эшитган қишлоқ имом хатиби Мулла Мамат ва Жалолхон эшонбобо аҳвол сўрагани унинг уйига келиб Абдулланинг онаси Кумуш момодан ҳол сўраб турганида, Абдулла кириб келади ва бор воқеани гапириб беради. Шунда мулла ва эшонбобо дуога қўл очишиб "Бор болам, бошинг тошдан бўлсин", - дейишиб дуо қилишади. Абдулла Юсупов ишга бориб Рўзиқул полвоннинг уйида кўним топади ва 1932 йилгача ишлайди. 1932 йилнинг куз фаслида Араббанди қишлоғида "Қизил қўшчи" колхози тузилиб, унга раис этиб Абдулла Юсупов сайланади. Бу сайловда район ижроқўми раиси, асли қўшчи уруғидан бўлган чиялик Нодир командир қатнашади. Колхозга кўплар от-арава, қорамол ва қўй -эчки бериш билан аъзоликка кирадилар.

Кимлардир эркин яшаш мақсадида Самарқанд вилоятининг турли ҳудудларига ва бошқа жойларга кўчиб кета бошлайдилар. Албатта, яширинча. Шунда чўммоқ уругига мансуб Ҳасан бобо тоғаси Туймабой олдига бориб, "Тога, не кунларга қолдик, мен ҳам кўчмоқчиман", - дейди. "Қаерга?" - сўрайди тоғаси. "Мен марказга, яъни Чироқчига бораман. Кўп ўйлаб шу қарорга келдим. Чунки бўри инининг олдидагига тегмайди, деган нақлни эшитганман. Фақат сиз рози бўлсангиз бас. Қарорим қатъий", - деб туриб олади. "Қароринг қатъийми? - деган Туймабой, - Ҳасанбой



жиян, унда бор, бошинг тошдан бўлсин", - деб омин қилади. Шу-шу Ҳасанбой 1932 йили Чироқчи марказига кўчиб келади ва балки шундан сўнг Ҳасан тошқалла лақабини олгандир. Чунки у ҳақини бировга едирмайдиган, даврада сўзини ўтказа оладиган, тортишувларда голиб юрган инсон. Уша даврларда ҳар бир киши 7 бобосини билиши шарт ва зарур бўлган. Ҳасан бобо ҳам қонжигали уругининг чўммоқ уругидаги Аҳмад ота уругига мансуб эди. Чўммоқ уруги 3 га бўлинади. Эги (эгилик) Аҳмад, Яхши (яхшилиқ), буларнинг 7 отаси: Қурбонбой, Элатбой, Мирзо бобо, Тўра бобо, Жумагул бобо, Жўра бобо, Эшим бобо ва Сафар боболардир. Хозирги кунга келиб оталар сони янада кўпайди.

Эгидан урчиганларнинг деярли кўп қисми бой-бадавлат, Аҳмад боболари ҳам бой бўлиш бирга, тадбиркор, Яхшининг болалари ҳам бой бўлиш билан бирга, савдо-сотикда илгор ва зўравонроқ бўлишган. Чўммоқ деб аталишига сабаб бу уругдагиларнинг авлодлари, ривоятларда келтирилишича, катта курашларда калта уст-бош билан курашга тушишган ва рақибини йиқитган йигит чўммоқ номини олган.

Тўра бободан Саид бобо ва Рузи боболарни билсам, Жўра бободан Хушмуродовлар, Жумогул бободан Хушбоқ, Бердиёр, Ҳайитовларни эслайман. Хушбоқ бободан Сафар, Эшим, Ашур, Ботир, Абдулла ва Орол боболар урчиган. Сафар бободан Маҳмаюсуф, Раҳмон, Ҳасан-Ҳусан, Ҳайитгул, Мейлиқуллар бўлса, Эшим бободан Холиёр домла, Олмос докторлар. Шу аснода Хушбоқ бобонинг қулоқликдан қочганини бир эсламоқ жоиз. 1932 йилнинг охири, 1933 йилнинг бошлари "Қизил қўшчи" колхозини. "Дум" Тилов бобо эрталаб мирза боши Эшимни чақириб "Эшим, кеча кечқурун мана бу хат келди. Мен ўқидим, иккимиз яна ўқийлик", - деб қўлидаги хатни ўқий бошлайди. Хатда қулоқ бўлиши кераклар рўйхатида Жумагулов Хушбоқ ҳам бор эди. Бу қандайдир сотқиннинг иши бўлса керак, деган фикрда халққа маълум қилинмайди. Аммо Эшим мирзонинг юрагига гулгула тушади. Каллада минг хил ўй-фикр. Қайси йўл билан бўлса отани қўтқазиш ва рўйхатдан тушириш. Уйлаб-уйлаб тоғаси Туймабой олдига боришга жазм қилади. Вақт пешиндан оққан. Воқеани Туймабойга

айтганида "Ўзинг нима дейсан, Эшим?" - деб сўрайди у киши. "Отамни қутқазишим керак. Уни қочирашим зарур", - деган қарорга келганини айтади. Туймабой, "Маъқулини қил, сенга жавоб", - деб хайрлашади.

Уларнинг қаршиликларга кўнмай, ўйлаганини айтади. "Бордию отам қулоқ бўлса, менга мирзо бошилик не керак? Одамлар орасида таънага қолайинми? Шу бугун қош қорайиши билан Каттақўргонга жунаймиз, ака. Фақат иккита эшак, иккита хуржун керак. Эшак миниб боришга, хуржун озиқ-овқат ва уст-бошга керак. Сиз бизларни ташлайсизу уйга қайтасиз. Ҳеч ким билмаслиги керак, вассалом", - деб келишиб олади. Каттақўргонда отаси ва укасини қизил вагонга миндириб, 2 та эшаги билан кун чиқиш арафасида Сафар бобо уйга кириб келади. Қанча машаққат билан 2-3 кунда поезд Душанбега (ўша вақтдаги Сталинободга) етиб боради. Поезд ҳар тўхтаганида юраги така-пука бўлган Хушбоқ ва Эшим бир амаллаб назоратчини кўндиришади. Ҳалиям емга тўлдирилган вагонга чиқиб олишгани учун ем кўрпа-ёстиқ вазифасини бажаради. Тонг саҳар поезддан тушиб, чойхона ахтаришади. Ниҳоят битта чойхонага кириб тамадди қилишади. Улар ўзларини худди биров қувиб келаётгандай тутиб, ҳадиксираб ўтиришади. Бунинг устига ҳеч кимни танишмасди. Чой ичиш якунида ўзини бироз қўлга олган Эшим чойхоначидан "Бизлар мусофирмиз амаки, қариндошларни ахтариб келгандик, бу ёгини билмаймиз. Улар қайсидир тоғлик жойда туя тортармиш, бориш йўлини билсангиз, бизларга айтсангиз, илтимос", - деб сўрайди. Чойхоначи бироз ўйланиб "Қалайи новда бўлиши керак. Бу ердан 50-60 чақирим келади", - дея йўл кўрсатишга ҳозирланади.

"Бориш йўли кун чиқишда, деб йўл кўрсатди, - дея эслаганди Эшим бобо. - Сўрай-сўрай 2 кунда топиб бордик. Ҳақиқатда жомлик Муҳаммади карвон ва акаси Шақшай мақсумлар Қалайи нов ва Ўратепа деган жойларга туя тортиб савдогарлик қилар экан. Бизлар ҳам икки йилда учта туя сотиб олиб, от билан улар ёнида савдога аралашдик. 1934 йил охири эди, мен терлатма касалига чалиниб, олти ой ётиб қолдим.

1938 йили ёзида бизларни ахтариб Сафар акам бориб қолди.



Менинг касаллигимни жомликлардан эшитган экан, хуллас бизларни олиб қайтди. Мен яхши бўлиб, тузалгандим, колхоз раиси Абдулла ака Юсупов мени ўз қарамогига олиб бригадир этиб тайинлади. Шу йили сингиси Дурсулуб билан турмуш қурдик.

Уруш даврида бригадирлар, трактористлар ва колхоз раислари брон қилиниб армия хизматидан озод қилинар, қишлоқ хўжалигида ишлашни давом эттиришарди. Фронт орқасида иш жуда кўп эди. Ҳаттоки мактаб ўқувчиларига юмронқозиқ ва тошбақа солиқлари солинарди. Мен бригадирлик қилиш билан бирга, ҳар ҳафта Самарқандга мол олиб бориб сотардим. Галлани 15–20 эшақда Яккабоғ районининг Чўмич посёлкасига олиб келиб топширардикда, қайтишда, Яккабоғ, Гузор, Чироқчидан мол олиб, бу ҳафтаси Самарқандга олиб бориб сотардим. Ўзим йўқ пайтимда укам Ашур менинг ишимни бажарарди".

Эшимда гайрат ва шижоат кучли эдики, унинг эътибори сабабли қишлоққа ўғри, кўнгли бузуқ одам араламасди. Юқоридан келадиган милиция ходими, ёки бошқа текширувчиларга рўпара чиқиб, унча–мунча масалани ижобий ҳал қиларди.

1947 йили ҳукумат қарорига асосан (бу қарор қўриқ ва буз ерларни ўзлаштириш ҳақида эди) аҳолини кўчириш бошланди. Шунда қишлоқ аҳолисидан кимлар Тошкентнинг Бекобод туманига, кимлар Чироқчининг ўзидаги пахтакор ҳудудларга, кимлар яширинча Самарқанд вилоятининг турли жойларига кўчиб кетишди. Асосий мақсад оилани боқиш ва тинч яшаш эди. 1947 йили кузда Абдулла Юсупов Чироқчи туман Охунбобоев номи колхозга раис бўлиб келгани учун кўпчилик аҳоли шу колхозга ва шу колхоз ёнидаги "Зарбдор" колхозига кела бошлади. Бу колхозда Дониёров деган киши раис эди. Абдулла бобо билан бирга илгари ҳисобчи бўлиб ишлаган Рўзимурод Жомуродов ўша пайтларда тумандаги тайёрлов идорасида бошлиқ эди. 1950 йилдан Рўзимурод Жомуродов "Зарбдор" колхозига раис этиб сайланди ва "Қизил қўшчи" колхозининг аҳолиси шу ерга кўчиб кела бошлади. Тез орада Охунбобоев номи, "Зарбдор" колхозлари халқ огзида миллионер колхозлар номини олди. Туман раҳбарлари орасида катта ҳурматга сазовор бўлишди. 1959–60 йилларда

колхозларни йириклаштириш бошланди. Баъзи туманлар ҳам бирлашди. 1962 йил охирида Яккабоғ ва Чироқчи туманлари қўшилиб Яккабоғ тумани, деб номланди. Бу 1964 йилгача давом этди. Шу йиллар орасида туман ҳудуди жуда каттариб кетганлигидан бошқариш қийинлашди, кўп жойларда олдинга силжиш эмас, балки орқада қолиш кўзга ташлана бошлади. Чироқчи шаҳри ва қишлоқлари деярли қаровсиз қолди. Кўп жойлар харобага айланди. Ҳар бир ишда чироқчиликлар қийналишди. Райкомнинг биринчи котиби Ҳаққулов анчагина қаттиққўл эди. У иккинчи котиб Тиловов Бойназарни Чироқчи ҳудуди бўйича жавобгар этиб тайинлади. Чироқчидаги ободонлаштириш ишларига халқнинг яшаш шароитига эътибор пасайиб кетганлиги сабабли халқнинг норозилиги кучайди, Чироқчи туманини қайта тиклаш бўйича халқдан талаблар туша бошлади. Райкомнинг иккинчи котиби бўлиб ишлаб турган Бойназар Тиловов Чироқчи ҳудудида ривожланиш бўлмаётганлиги, қаровсизлик кучайиб кетганлиги масалалари юзасидан халқнинг шикоятли бўйича вилоят маркази Термиз шаҳрига бориб обком раҳбарининг тавсияси билан бир суткада Москвага бориб, Чироқчини Яккабоғдан ажратиб, қайта тиклаш таклифи билан ўша давр ҳукуматига мурожаат қилади. Аммо бу гапдан биринчи котиб Ҳаққулов хабарсиз эди. 1964 йил 15 мартда Чироқчи туманини Яккабоғ туманидан ажратиб қайта тиклаш ҳақида қарор чиқади. Қайтадан тикланган Чироқчи туманига китоблик Пулат Қурбонов биринчи котиб, Бойназар Тиловов эса ижроқўм раиси этиб сайланадилар. Туманда таъмирлаш, ободонлаштириш ишлари бошланиши билан бирга, халқда янгича ишчанлик кайфияти юзага келади, қишлоқ хўжалик ишлари ҳам янгича усулга ўтади. Чўммоқ уругидан Иброҳим Хушмуродов, чорқўсалик Т. Бўриев, қўнғиротлик Шодиёр Мўминовлар ҳамкасблар ҳамда бўйинса эдилар. Улар мусобақа боғлашиб, орден, энгил машина олиш учун ишлашга қаттиқ киришдилар ва олишди ҳам. Ўша даврларда оддий халқ, колхозчилар кечаю-кундуз тиним билмай ишлашарди. Вақти-соати билан колхоз яна илғор ва бой колхозга айланди.

Куз фасли тугаб, шудгорлаш бошланган пайтлар, раис курортда,



партком Эшбобо Алиқулов шошилинч мажлисга чақириб қолди. Масала битта, у ҳам бўлса Куйбишев номли мактабнинг директори Хуррам Шуқуровнинг ахлоқий масаласи, яъни оиласидан ажралиш масаласи кўрилиши керак экан. Партком кун тартибидаги масалани эълон қилиши билан илгор пахтачилик бригадаси бошлиги Иброҳим Хушмуродов бирданига навбатсиз сўз олди. "Партком бобо, – деди у, – агар Шуқуров хотинидан ажрашса, мажлиссиз мен Хуррам аканинг хотинини ҳозирнинг ўзида уйимга олиб кетаман". Йигилганларнинг ҳаммаси ҳанг-манг бўлиб қолишди. Хуррам ака "Иброҳим, гапингни йигиштир, сенга берадиган хотиним йўқ, тур хотин, кетдик", – деб чиқиб кетди. Мажлис бошланмасдан тугади. Ҳамма ҳайрон, биров "Иброҳим, сенга балли, кайвонилигингни кўрсатдинг", – деса, бошқа биров "Тўғри қилди, ёши бир жойга бориб қолган Хуррам бундан буён хотинидан ажрашаман, деган сўзни ишлатмайди", – деб маъқуллашди.

Ҳақиқатда Иброҳим Хушмуродов маҳаллада ҳам, тўй-маърака, тадбирларда ҳам адолатли кайвони эди. "Зарбдор"нинг Чўммоқ қишлоғида ҳамма Иброҳим Хушмуродовни кайвони деб билса, Охунбобоев номли колхозда Эшим шўро кайвони эди. Шу колхозга кўчиб келгандан умрининг охиригача савдо мудирини кейинчалик далада бош қоровул бўлиб, 1986 йил қишида бандаликни бажо келтирди. Яшаган умри бўйича иқтисодий тўқ яшаган Эшим шўронинг тўрт нафар ўғли бўлиб, энг каттаси Холиёр, энг кичиги Олмос қолганди. Холиёр аслида 1936 йил тугилган бўлиб, 1954 йилда IX синфда ўқиб турган пайтида, ўқишга бориш ҳаваси билан тугилган йилини 1938 йил деб ўзгартиб олади. Чунки у вақтларда мактабнинг X синфини битирганларни 3 йиллик армияга оларди. Холиёр район марказидаги ўша вақтдаги Тельман номли 1-ўрта мактабнинг X синфини 1955 йили битириб, Самарқанд тиббиёт институтига ўқишга киради. Аммо институтни ўша йилнинг декабрь ойида ташлаб келиб, қишлоқдаги Микоян номли етти йиллик мактабда бош етакчи бўлиб ишлай бошлайди. Сабаби у институтда барча фанлар рус тилида ўқитилар экан.

Мен тоғам Абдулла Юсуповнинг уйида кўп яшаганман.

Тоғамнинг катта қизи Момогул иккимиз бирга ўқишга боришга аҳд қилдик. Хуллас, 1957 йили 22 июль куни Самарқанддаги ўша вақтда УЗГУ (кейинчалик СамГУ), яъни Ўзбекистон давлат университетига бориб, филология факультетига ўқишга кирдик. Квартирада, шунингдек, Абдуолим бобо Ҳалимов ва Ёқуб бобо Иброҳимовларнинг уйларида беш йил яшадик. Иккаласи ҳам қадрдон ошналаримиз эди. Абдуолим бобо ички ишларда, Ёқуб бобо эса вилоят ҳарбий комиссариатида ишлар эдилар. Ўқишни битиргунча Эркин ва Ўқтам фарзандларимиз тугилди. 1962 йили ўқиш тугаши билан мени Самарқанд вилоят газетасига, оиламни қишлоққа, мактабда ишлаши учун йўлланма беришди. Укам Олмос ҳам ўқийман, деб Самарқанд тиббиёт институтига кирди. Оилада дастёр йўқ. Туманда таълим соҳасининг раҳбари бўлиб ишлаётган Самад Шаймановга отам илтимос билан кириб, аҳволни батафсил тушунтириши натижасида, алоқа хати билан мен Чироқчидаги республика аҳамиятига эга бўлган 12-мактаб интернатга ишга жойлашдим. Иш фаолиятимдаги меҳнат стажим 45 йил бўлса, шундан бир йили оддий ўқитувчи бўлдим. Қолганлари вилоят ёшлар ташкилотининг тарғибот-ташвиқот бўлимида, ўша вақтдаги Чироқчи туман халқ таълими бўлимида икки марта, Маяковский номли 4-мактабга раҳбарлик ишида, 1980 йил охирида инспектор бўлиб, Ибн Сино номли 5-мактабда озроқ ишлаб, 1- гуруҳ ногиронлиги билан нафақага чиқдим. Нафақа давримда ҳам қишлоққа тўрт километр масофага табиий газ тортишда, туман марказидан қишлоққача олти километрлик масофага электр энергияси тизимини олиб келиш, қишлоқ марказида 8 лик насосли артезиан қудуги қаздириб, аҳолини тоза ичимлик сув билан таъминлаш сингари юмушларга ҳисса қўшдим. Ҳозирги кунда "Нуроний" жамғармаси раислигида ишлаб юрибман.

Катта ўғлим Эркин Эшимов олий маълумотли агроном. Ўқтам олий маълумотли математик, Ўткир техника бўйича муҳандис, 4 келиннинг 3 нафари олий маълумотли ўқитувчи. Неваралардан 9 нафари олий маълумотли, турли соҳаларда мутахассис. Оилам Момогул Абдуллаеванинг иш стажини 40 йил. Шундан 24 йили ўрта мактаб директори бўлиб ишлаган.



Хушвақтов Олмос Эшимович тиббиёт ходими. Туман марказий шифохонасида бир умр травматолог врач, бўлим бошлиғи бўлиб ишлаб нафақага чиққан. Туғилган йили 1944 йил, ҳужжатда 1945 йил, ҳозир 70 ёшда, оиласи ўқитувчи эди. 2 ўгли, 2 қизи бўлиб, барчаси маълумотли. Туман марказида яшайди. Травматолог Эшим ўгли Хушвақтов 2014 йил май ойида Чироқчи туманидаги намунали оилалар кўригида биринчи, шунингдек, ушбу кўрикнинг Қашқадарё вилоят босқичида 14 туман билимдон иштирокчилари ичида ҳам биринчи ўринни олиб, 2014 йил 15 майда Тошкентга, кўрикнинг республика босқичига жўнаб кетди. 2014 йил 18 май куни танлов голиби дипломи билан Тошкентдан келди.



ҚАТРАЛАР

Чўлда мулла тургай сайрайди,
 Булбул чаманда, шўм хотин уйда, шоир, бахши халқ орасида.
 Хола қон босимингизни ҳам ўлчаб қўяй,
 -Яхши, юрагингиз отники, ўпка тоза.
 Ошқозон ўзингизга маълум.
 -Хола, бизлар кеча-кундуз хизматингизда. Сизлар яхшироқ
 йўталсангизлар бас...
 Бойлик ва имон, одатан бир -бирининг заволи.
 Чиройли хотинга қоровулнинг кераги йўқ.
 Агар хотин киши иморатга битта мих урса, ҳаммасини ўзим
 қурдим дейди.
 Шофёр ака, чипта бермайсизми?
 -Биласиз-ку, ҳозир қоғоз етишмайди.
 Руҳлар исёнда мен эса ташвишда,
 худои таоло, ҳазрат Расулллоҳ,
 йўлим оч, қирқ чилтон азиз авлиёлар
 бўлинг ҳимояда.
 Ярмаркада бугун юз мингдан қўзи сотилди.
 -Яхшими? Касал эмасми?
 -6 кило суяк, 6 кило эт-да. А унда қўзи касал эмас уни сотиб
 олган одам касал эканда.
 Бозор кўрган эчкидан қўрқ.
 Шу нарсани эсда тутингки, беихтиёр қилинган гуноҳни кечирса
 бўлади.
 Аммо била туриб, ростини қўйиб, ёлгон ишлатган одамнинг
 гуноҳини кечириб бўлмайди.
 Рост гап ўла-ўлгунча эсдан чиқмайди, ёлгон гап-чи дарров



унутилади. Бир маротаба ёлгон ишлатган одамнинг иккинчи маротаба ёлгон ишлатмаслигига ким кафолат беради -ҳеч ким!

Эр-хотин ўртасидаги пардага дарз кетдими-бас, ҳаётга дарз тушади. Оилада, бир кун "сану ман"га бордингизми, Эртасига ёқалашиш ҳеч гап эмас.

Агар болангизни бир шапалоқ урдингизми, тамом, иккинчи марта қўлингиз ўз-ўзидан кўтарилаверади.

Биласизми азизим, эски одамлар ўртага қуръонни қўйиб қасам ичади. Мен эса сизни ўртага қўйиб қасамёд қиламан....

Боланинг ўгайи бўлади, аммо хотиннинг ўгайи бўлмайди.

Жон бор жойда жанжал бор дейди доно кишилар.

Бизда ҳам бўлганда, ҳа хусайни узумдай бор ширамизни олиб, пўчоғини ташлаб кетасизми?

Нима қилай? Носқовоқдай белимга олиб юрсам, ўз тилимни қўйиб, хотин тилида гаплашсам, тагин мендан нима истайсиз?!

Эй жоним, ташаббус эркакдан бўлиши керак, булбулнинг эркаги сайрайди-ку.

Одамнинг қўнглига тушадиган биргина калит бор, бу калит камтарлик, оддийликдир.

Бойлик ва имон одатан бир-бирининг заволи.

МУНДАРИЖА

Уйғоқ қалб (Сўз боши).....	3
Уста ва мулла.....	4
Ёғоч отли полвон.....	5
Ўтмишдан ҳикоялар.....	6
Зумрад холанинг инояти.....	7
Тушдаги муҳаббат.....	11
Қўнғизнинг қисмати.....	13
Сиз Довуд пайғамбарни биласизми?.....	14
Онам хотирасига.....	17
Фасли баҳор.....	25
Момогул Абдуллаеванинг турмушга чиқиши.....	26
Қабрим қаерда?.....	36
Дўстлар аҳди.....	38
Тарих-жамият кўзгуси.....	41
Қатралар.....	57

АДАБИЙ-БАДИИЙ НАШР
Холиёр ЭШИМОВ
УМР МАНЗАРЛАРИ
(хикоялар)

Мухаррир: Шокир АХМАТОВ.
Техник муҳаррир: Роҳила ЮЛДАШЕВА.
Мусахҳиҳ: Шарофат ТҲҲТАЕВА.
Дизайнер: Баҳодир МУСАЕВ.

Босишга рухсат берилди: 28.12.2016 йил.
Бичими 60x84 1/16, "Baltika TAD" гарнитураси.
Офсет босма усулида босилди. Нашр табоғи 2, 7. Шартли
босма табоғи 3.5.

Адади 100 нусха. 60 бет. Буюртма № 118. Эркин нарҳда.
Шартнома №17

"Қашқадарё кўзгуси ОАВ" МЧЖ нашриёти.
Нашриёт лицензияси АИ №244.
180018. Қарши шаҳри. Мустақиллик шоҳ кўчаси , 22 уй.
Тел: +99875 227-50-05, +99895 680-51-15

"Photo Express" ишлаб чиқариш корхонасида чоп этилди.
Манзил:Қарши шаҳри, Мустақиллик шоҳ кўчаси , 22-уй.

7000 с



Эшимов Холиёр 1936 йили Чироқчи тумани Араббанди қишлоғида деҳқон оиласида туғилган. 1957 йили ҳозирги Самарқанд Давлат университетининг филология факультетига ўқишга кириб, 1962 йили муваффақиятли тамомлайди. Иш фаолиятини Самарқанд вилоятининг марказий газетасида бошлаган. Кўп йиллар Чироқчи туманидаги 5-сонли Абу Али ибн Сино номли мактабда ишлаб, ҳозирги вақтда кексалик гаштини сурмоқда. Ёши 81 да бўлса-да, матбуотсиз яшай олмайди. Туман, вилоят газеталари қатори республикадаги "Ёш куч" журнали, "Ишонч" ҳамда "Маърифат" газеталарига ўз мақолалари билан қатнашиб туради.

ISBN 978-9943-4245-9-3



9 789943 424593